Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA · info@adolatgzt.uz · www.adolatgzt.uz · www.adolat.uz · № 18 (1029) · 2015-yil, 24-aprel, juma

## ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

**Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.**

Жумладан:

| | |
|---|---|
| Финляндия Республикаси Президенти | — **Саули Нийнистё** |
| Руминия Президенти | — **Клаус Вернер Йоханнис** |
| Малайзия Бош вазири | — **Датук Сери Мохд Ножиб Тун Абдул Раззоқ** |
| Буюк Британия ташқи ишлар вазири | — **Филип Хэммонд** |
| Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби | — **Ламберто Заньер** |
| Бельгия парламенти сенатори, "Бельгия — Ўзбекистон" парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи раиси | — **Ален Дестекс** |
| "Максам" компанияси раиси ва ижрочи директори | — **Хосе Фернандо Санчес-Хунко** |
| "Шиндонг Ресорсиз" компанияси президенти | — **Ким Ёнг Гу** |
| "Сожиц Корпорейшн" президенти ва бош ижрочи директори | — **Йожи Сато** |
| "Тойота Цусё" корпорацияси раиси | — **Жунзо Шимизу** |
| "Мицуи ва Ко." президенти ва бош ижрочи директори | — **Татсуо Ясунага** |

табрик йўллаган.

***Қутловлар келиши давом этмоқда.***

## Сайловчилар манфаати йўлидаги қатъий позиция

парламентдаги баҳс ва рақобатда намоён бўлади

**➢ Фракциялараро мунозара**

Сўнгги йилларда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида миллий қонунчилигимизнинг такомиллаштирилиши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, кўппартиявийлик тизимини изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2➢

**➢ 9 Май — Хотира ва қадрлаш куни**

Халқимизда "Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади", деган нақл бор. Бундай "жанжал"ларни минтақа миқёсида, қитъа миқёсида, бутун Ер юзида юзага келтирадиган парокандаликни, инқирозни, бахтсизликларни тасаввур этиб кўринг-а! Уруш инсониятни тамаддун ривожидан анча орқага суриб ташлайди. Чунки ҳар қандай урушнинг моҳиятида инсон ҳаётига қасд қилиш истаги ётади. Таъбир жоиз бўлса, уруш бу одамнинг ўзи ўтирган дарахт танасини ўзи қирқишидек гап. "Жанжал" оловида исиниш учун унга тинмай мой сепиб турганлар бир ҳақиқатни англаб олишлари лозим: урушда ғолиблар бўлмайди, вақтида сув сепиб қўйилмаса, эртами-кечми, бу олов ҳаммани ўз комига тортиб кетади.



## Жасорат. Бурч. Матонат...

Президентимиз Ислом Каримов ҳар бир чиқишида нафақат мустақил мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти хусусида, балки жаҳонда ва ён-атрофимизда юзага келган вазият ҳақида ҳам ўта муҳим ғоя ва хулосаларни баён этадики, бу фикрларнинг барчаси бизни тарихдан, ўтмишдан сабоқ чиқаришга ундайди. Айниқса, биргина Иккинчи жаҳон уруши даврида 50 миллиондан зиёд инсоннинг ёстиғи қуришига қарамай, айрим давлатларда фашистик кучларнинг бош кўтариши кишини ташвишга солади. Дунёнинг кўпгина минтақаларидаги қарама-қаршилик, қуролли тўқнашувлар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол, аввало, Афғонистонда 35 йилдан зиёд вақт мобайнида давом этаётган таҳликали вазият Ватанимизни ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилади. Шукрки, тинчлик-осойишталик барқарор, жаннатмонанд юртда яшаяпмиз. Шу сабабли бизга бугунги ён-атрофдаги вазият қўрқинчли тушдай кўриниши аниқ.

Яна бир неча кундан сўнг мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Бу йилги байрам Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги ҳамда "Кексаларни эъзозлаш йили" муносабати билан юртимизда ёши улуғ инсонларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётган бир пайтда ўтаётгани билан янада аҳамиятлидир. Ушбу муҳим сананинг умумхалқ миқёсида нишонланиши ўз ҳаётини Ватан озодлиги учун қурбон қилган юртдошларимиз хотирасига кўрсатилаётган эҳтиром, бугунги дориломон кунлар, тинч-осойишта ҳаётимиз ва халқимиз фаровонлиги учун фахрланиш ҳамда миннатдорлик рамзига айланди. Негаки, Ўзбекистонда бирорта ҳам оила йўққи, Иккинчи жаҳон уруши даҳшатлари ва синовларини бошидан кечирмаган бўлса. Бинобарин, Иккинчи жаҳон уруши арафасида республикамиз аҳолиси 6 ярим миллион нафар бўлган бўлса, шундан 1,5 миллион нафарга яқини урушга сафарбар этилган, яъни ҳар беш кишидан бири жангда қатнашган. Бу эса 17 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларнинг деярли ҳаммаси, деган сўздир.

Президентимизнинг 2015 йил 26 мартдаги фармойишига кўра, жорий йилда Хотира ва қадрлаш куни байрами "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида нишонланади. Зеро, Иккинчи жаҳон урушида Европа қитъасидаги барча фронтларда, Рейстагни ишғол қилишда, Узоқ Шарқда ҳам мардларча жанг қилган ватандошларимиз ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг жасорати ҳеч қачон унутилмайди, уларнинг Ватанимиз ва халқимиз олдидаги бурчни муқаддас билгани бугунги авлод учун ҳам намуна бўлиб, ғоят оғир шароитларда кўрсатган матонати ҳамиша эътирофу эъзозга муносиб.

Ёшларни Ватанга муҳаббат, аждодлар жасоратига садоқат, кексаларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш мақсадида бизнинг ўқув муассасамизда ҳам 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фахрийлари ва вакиллари иштирокида «Хотира ва қадр» мавзусига бағишланган тадбир кўтаринки руҳда ўтказилди.

3➢

## Меҳнат бозорига муносиб

мутахассислар тайёрлаш йўлидаги ҳамкорлик

**➢ Таълимга эътибор — келажакка эътибор**

Нуриддин Иминохунов аксарият тенгдошлари сингари интернет, компьютер технологиялари ва қулай, замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан унумли фойдаланишга қизиқади. Қолаверса, ушбу дастурий маҳсулотларнинг яратилиш тарихига ҳам бефарқ эмас. У ўз олдига яқин келажакда миллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, юртимизнинг ахборот-коммуникация соҳасини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадини қўйган.

6➢



## "Биз буюк юрт фарзандларимиз!"

ёшлар фестивали ўтказилмоқда

Шу кунларда бутун республикамизда бўлгани каби Андижонда ҳам «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтмоқда. Мазкур тадбир "Камолот" ЁИҲ, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, шунингдек, қатор нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

2011 йилда олтита лойиҳа юзасидан ўтказилган мазкур тадбир бугунги кунда ўн тўрттадан ортиқ йўналиш доирасида давра суҳбатлари, учрашувлар, гала-концертлар, спорт мусобақалари, тарғибот акцияларини қамраб олди. Иштирокчилар сонининг кескин ортиб бораётгани ҳам эътиборга молик.

5➢

### ИБРАТЛИ БПТлар ФАОЛЛАРИ
**Самарқандга саёҳат қилишди**

**Яқинда Тошкент шаҳридаги бир қатор ташкилот, муассаса ва корхоналар қошида ташкил этилган БПТларнинг бир гуруҳ фаоллари учун Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди. Саёҳат давомида партия фаоллари қадим шаҳарнинг тарихий қадамжолари, маданий ёдгорликларини зиёрат қилдилар.**

2

### АНДИЖОН: ОБОД ВА БЕТАКРОР, ҲАМИША ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

**Водий гавҳари Андижон ҳақида бугун ҳар қанча фахр ва ифтихор билан гапирсак арзийди. Истиқлол йилларида вилоятда амалга оширилган улкан яратувчилик ишларининг залворини сўз билан таърифлашга тил ожиз, десак асло муболағаси йўқ. Бугунги Андижонни бир кўрган киши шундай юртда яшашни орзу қилиши, унинг яратувчан халқига таҳсинлар айтиши бор гап.**

4 5

### ЁЛҒИЗ ҚАРИЯЛАРГА
**ҳамсуҳбат роботлар**

**Ташқи кўринишидан футбол тўпини эслатадиган бу робот ҳатто шеърларни ифодали ўқиши, латифалар айтиб бериши мумкин. Шунингек, у билан шахмат ёки бошқа қизиқарли ўйинлар ўйнаса ҳам бўлади. Робот уйдаги баъзи қурилмаларни бемалол бошқара олиш дастурига эга. Ҳозирча мазкур робот ёлғиз қарияларга ҳамсуҳбат бўла олишига ишонч билдирилмоқда.**

7

### КЕКСАЛАР ДУОСИ —
**тинчлик ва барқарорликнинг ибтидоси**

**Яқинларининг айтишича, онахон ҳаётда кўпни кўрган, тажрибали ва ўта синчков аёл бўлганликлари учун яхшидан ёмонни бир зумда фарқлай оладилар. Бундай ёшдагиларнинг аксарияти фаромушхотирлик оқибатида баъзи яқинларини ҳар доим ҳам таний олмаса-да, Адолат момонинг хотираларига кўплаб ёшларимиз ҳавас қилса арзийди.**

8

# Сайловчилар манфаати йўлидаги қатъий позиция

## парламентдаги баҳс ва рақобатда намоён бўлади

Давоми. Боши 1-бетда

Бу айни пайтда янги шаклланган парламент қуйи палатасида кўпчиликни ташкил этувчи Демократик кучлар блоки ҳамда унга оппозицияда бўлган мухолиф фракциялар фаолиятида намоён бўлмоқда.

Маълумки, жорий йилнинг 23 январь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан парламентимизда ва маҳаллий вакиллик органларида фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимо фикрлар қарама-каршилиги, мунозаралар бўлиши кераклиги, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илгари сурадиган кучли баҳс ва рақобат бўлиши муҳим эканлиги қайд этилди.

Президентимизнинг ушбу дастурий кўрсатмаси бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги қонун лойиҳалари муҳокамасида сиёсий партиялар фракцияларининг ўз ғоя ва дастурлари, позицияси асосида билдираётган принципиал таклифларида, баҳс-мунозаралар ҳамда ўзаро профессионал рақобатда ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Хусусан, яқинда Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида учинчи ўқишда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фракциялараро баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда электрон тижоратни қонунчилик асосида тартибга солиш мақсадида 2004 йилда "Электрон тижорат тўғрисида"ги, 2005 йилда "Электрон тўловлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинган бўлиб, улар электрон ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнларини жадаллаштиришга, жумладан банк тўлов тизимларидан кенг фойдаланилиши орқали сезиларли фаоллаштиришга хизмат қилди.

Маълумки, электрон тижоратнинг технологик асосини ахборот-коммуникация технологиялари ташкил этади. Бугунги кунда мамлакатимизда интернет тармоғидаги абонентлар сони 10,2 миллиондан зиёдни ташкил этмоқда. Бироқ, таҳлилий маълумотлар интернет орқали электрон тижорат тизимидан фойдаланган ҳолда товарларни харид қилиш, хизматлар кўрсатиш даражаси, яратилган технологик имкониятлар билан ундан тижорат ишларида фойдаланиш ўртасида кескин тафовут борлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, электрон тижорат бозорини ривожлантириш масаласи ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиб, тегишли механизмларни кенгроқ жорий қилишни, биринчи навбатда, электрон тижорат соҳасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этди. Айни шу каби бугунги замон талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилди.

Қонуннинг янги таҳрири амалдаги қонундан қуйидагилар билан фарқ қилади:

**биринчидан,** электрон тижорат қатнашувчиларига электрон шартномаларни тузишда хизмат кўрсатувчи ахборот воситачилари таркиби (телекоммуникация тармоғи операторлари, тўлов агентлари, электрон савдони ташкил этишни амалга оширувчи ва электрон ҳужжатларни депозитар сақлаш бўйича хизмат кўрсатувчи шахслар) кенгайди;



**иккинчидан,** қонун лойиҳасида ҳисоб-фактура ва бошқа зарурий ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштириш имкониятини берувчи норма киритилди. Бугунги кунда, қонун ҳужжатларига мувофиқ, товарлар (иш, хизматлар) савдосида шартнома ижросини бажариш учун ҳисоб-фактуралар ва бошқа ҳужжатларни қоғоз шаклида имзолаш амалиёти мавжуд бўлиб, бу ҳол ўз навбатида, электрон тижоратни интернет тармоғи орқали амалга оширишга тўсиқлар яратади;

**учинчидан,** электрон тижорат учун қулай шароитлар яратиш ва уни ривожлантириш стратегиясини ҳамда ташкилий, технологик ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича ягона ёндашувни шакллантириш мақсадида давлат томонидан мазкур соҳани тартибга солувчи ваколатли орган тайинланиши кўзда тутилиб, унинг ваколатлари белгиланди.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида электрон тижорат иштирокчилари маълумотлари ва шахсий маълумотлар хавфсизлигини таъминлашга, тушунчаларнинг таърифига, электрон тижоратда давлат харидларини амалга ошириш, шунингдек, хорижий иштирокчилар билан битимларни тузишда қўлланиладиган ҳуқуққа ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Ўтган вақт мобайнида Қўмитамиз ҳузурида тузилган ишчи гуруҳи томонидан мазкур қонун лойиҳасини муҳокама қилиш орқали маромига етказиш мақсадида ўндан ортиқ йиғилиш ва семинарлар ўтказилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ва Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Улуғбек Саматов. — Мазкур тадбирларда иштирок этган кенг жамоатчилик вакиллари, олимлар, юқори малакали мутахассис ва экспертлар қонун лойиҳасини ҳар томонлама қизғин муҳокама қилдилар. Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти ва Ўзбекистон ҳуқуқий-ахборот портали norma.uz, bank.uz веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида кенг омма муҳокамасига тақдим этилди.

Йиғилишларда Қонунчилик палатасидаги партияларнинг фракциялари, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда вазирлик ва идорлардан келиб тушган 120 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар ўрганилди, улардан қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришда фойдаланилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамаларида бир қатор нормалар фракциялараро мунозараларга сабаб бўлди. Ушбу жараёнда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси фаол иштирок этгани ҳамда партия позициясига мос асосли таклифларни кўтариб чиққанлиги эътиборга моликдир.

Жумладан, **фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳаси айрим моддаларининг жойлашувини ўзгартириш ҳақида таклиф берилган эди. Ишчи гуруҳи томонидан ушбу таклиф ўрганилганда ҳақиқатдан ҳам мазкур моддаларнинг бу тарзда жойлашуви қонун лойиҳасидаги моддаларнинг кетма-кетлиги ва мантиқий давомийлигига мос келмаётганлиги маълум бўлди. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасининг 9 ва 10-моддаларидаги нормалар ўрни алмаштирилди.**

Ушбу жараёнда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоларининг таклифига биноан электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи иборасига тушунча берилди ва **"Электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи — юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор ҳисобланади",** деган таҳрир киритилди.

Агарда ЎзЛиДеП фракцияси вакиллари томонидан қонун лойиҳаси муҳокамасида билдирилган таклифга биноан жисмоний шахслар ушбу товарларни реализация қилувчи субъектлар таркибига киритиладиган бўлса, ўзининг мавжуд бўлмаган ташкилий-ҳуқуқий шаклини офертада кўрсатиш, маълумотларни сақлаш, ҳимоя қилиш ҳақидаги ва бошқа талабларга риоя этиш, бир марталик савдоларни амалга ошириш учун электрон рақамли имзони сотиб олиш каби жисмоний шахс ижро этиши мураккаб бўлган талабларни белгилаш зарурияти юзага келади. Бу ўз навбатида, ушбу партия электорати саналган аҳоли қатламларига қулайлик яратиш ўрнига уларга қийинчиликлар туғдиради. Буни халқаро қонунчилик тажрибасида жисмоний шахсларнинг электрон тижоратда сотувчи сифатида иштирок этиши белгиланмаганлиги ҳам тасдиқлайди.

Шу билан бирга, муҳокамалар жараёнида Миллий тикланиш демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан билдирилган қонун лойиҳасининг 6-моддасидаги электрон тижорат соҳасини давлат томонидан тартибга солишга доир нормадан воз кечиш ёки уни 7-моддага, яъни Вазирлар Маҳкамаси ваколатларининг таркибига киритишга доир таклифи ҳам қизғин баҳсларга сабаб бўлди.

Ишчи гуруҳи томонидан ушбу таклифлар амалдаги қонун ҳужжатлари ва хорижий тажриба асосида яна бир бор атрофлича ўрганиб чиқилиб, мазкур моддани ўзгаришсиз қолдиришга қарор қилинди.

Чунки агар қонун лойиҳасидаги 6-моддани 7-модданинг таркибига киритиш таклифи қабул қилинадиган бўлса, бу ҳақиқий ҳаволаки нормани вужудга келтиради. Бу эса, ҳукуматнинг ушбу масаладаги вазифаси ва масъуллигининг мавҳумлигига олиб келиб, қонун лойиҳасининг келгусида етарли даражада самарали фаолият кўрсатишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ушбу модданинг алоҳида ҳуқуқий норма сифатида белгиланиши эса, мамлакатимизда электрон тижорат муносабатларининг янада ривожланишига, қолаверса, ҳукумат ва бошқа органларнинг мазкур масалаларда ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишига замин яратади.

Умуман, айни пайтда Олий Мажлис Сенатига тақдим этиш учун тайёрланаётган мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳамда республикада электрон тижоратнинг янада кенг жорий этилиши савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатларнинг камайишига, электрон тижорат субъектларининг бир-биридан географик узоқлиги билан боғлиқ муаммолар ҳал этилишига, сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри тезкор равишда шартномавий муносабатларни ўрнатиш учун шароит яратишга, бу эса ўз навбатида, давлат томонидан аралашувнинг камайишига олиб келади. Қолаверса, ахборот тармоқлари воситасида электрон савдо қилишда операцияларнинг шаффофлиги ошишига, сотувчилар ва харидорларга қисқа фурсатда нархлар, сифат ва товарни етказиб бериш билан боғлиқ ҳар хил рақобатчилар таклиф этган маълумотларни олиш имкониятини беради.

Дарҳақиқат, парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг чуқур муҳокамалари асосида такомилга етказилган "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга, уни жаҳон иқтисодиёти ҳамжамиятлари билан интеграциялаш, халқаро товар бозорларида мавқеини мустаҳкамлаш мамлакатимиз иқтисодиётини, хусусан, тижорат ишларини ахборот-коммуникация технологиялари платформасида қуриш ва ривожлантиришга хизмат қилиши билан иқтисодиётда инновацион технологиялар тарафдори саналган Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий ғояларига тўла мос келади. Ушбу қонун нормаларида партиямиз позициясининг кенг ифодаланиши эса сиёсий майдондаги салоҳиятимизни белгилаб беради.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

---

## Ўзбекистон "Адолат" СДП хабарлари

# ШАХМАТСЕВАР НУРОНИЙЛАР

## ўзаро беллашдилар

**Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон "Адолат" СДП Денов туман кенгаши, туман ҳокимлиги, "Нуроний" жамғармаси ҳамкорлигида деновлик нуронийлар ўртасида шахмат беллашуви ўтказилди.**

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёши улуғ инсонларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда эса бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайиб, бунда қатор нодавлат ташкилотлари ҳам фаол қатнашмоқда.

— Юртимизда биз каби ёши улуғ кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, эътибор ва ҳурматдан чуқур миннатдормиз, — деди Хидир Тоғаев. — Айниқса, Президентимиз томонидан жорий йилнинг мамлакатимизда "Кексаларни эъзозлаш йили", деб эълон қилиниши ва шу мақсадда Давлат дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил жорий этилаётгани инсонпарвар юртгагина хос бўлган ва муқаддас қадриятларимизга таянган сиёсатдир.

Тадбирда 40 га яқин отахон ва онахонлар иштирок этиб, қизиқарли ўтган беллашув натижаларига кўра 1-ўринга Хидир Тоғаев сазовор бўлди, 2-ўринни Омон Ҳамидов, 3-ўринни эса Абдулазиз Қаршиев эгаллади.

Шахмат беллашуви якунида мусобақа ғолиблари ва фаол иштирокчиларига тадбир ташкилотчиларининг фахрий ёрлиқлари ҳамда ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар берилиб, нуронийларга байрам дастурхон ёзилди.

**Мақсуд ТЎРАЕВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот котиби

---

# Ибратли БПТлар фаоллари

## Самарқандга саёҳат қилишди

**Сиёсий партиянинг таянч тузилмаси ҳисобланган бошланғич ташкилотлар фаолларининг чуқур сиёсий билим ва тажрибага, кенг дунёқарашга эга бўлиши аҳолининг барча қатламлари билан мулоқотга киришишда, партия ғояларини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.**



Шуни назарда тутиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши БПТ фаоллари учун мунтазам равишда сиёсий ўқув, семинар-тренинглар ташкил этиш орқали уларнинг сиёсий билим, кўникмаларини мунтазам ошириб бориш баробарида партия фаолларининг маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлашга ҳам эътибор қаратиб келмоқда.

Хусусан, яқинда Тошкент шаҳридаги бир қатор ташкилот, муассаса ва корхоналар қошида ташкил этилган БПТларнинг бир гуруҳ фаоллари учун Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди. Саёҳат давомида партия фаоллари қадим шаҳарнинг тарихий қадамжолари, маданий ёдгорликларини зиёрат қилдилар.

— Ушбу саёҳат давомида биз аждодларимиздан асрлар оша мерос бўлиб келаётган тарихий обидаларни зиёрат қилиб, боқий маънавиятимиз дурдоналаридан баҳраманд бўлдик, — дейди Тошкент шаҳар Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги БПТ фаоли Дилбар Аҳмедова. — Гўзал ва ҳамиша навқирон Самарқандга ҳар гал келганимда, ўзим учун янада кўпроқ ва қимматли маълумотларга эга бўламан, ўзгача таассурот оламан, шундай мўъжизавий бинолар бунёд этган буюк аждодларнинг ворислари эканлигимиздан кўнглим чексиз фахрга тўлади.

Дарҳақиқат, бир неча юз йиллардан буён ўзининг кўркию тароватини йўқотмай келаётган муҳташам обидаларни кўриб, ота-боболаримизнинг бунёдкорлик салоҳияти, меъморчилик маҳорати, маънавий тафаккури нақадар юксак бўлганлигига амин бўлаверамиз. Буни шаҳарни томоша қилиб юрган хорижлик сайёҳларнинг ҳайратидан ҳам англаш мумкин.

Умуман, ушбу саёҳат турли касб эгалари бўлган партиядошларимиз учун нафақат маданий ҳордиқ чиқариш, тарихий билимларини кенгайтириш, балки партия ғояларини тарғиб этиш, турли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, бир ғоя, мақсад атрофида янада жипслашиш имконини берганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди.

**Феруз ЖЎРАЕВ,**
«Adolat» мухбири

---

# Қурилиш индустрияси

## қишлоқдаги замонавий уй-жойлар учун



**➢ Бунёдкорлик**

Самарқанд вилояти қишлоқларида намунали лойиҳа асосида замонавий уй-жойлар қуришда янги имкониятлар ишга солинмоқда. Хусусан, қурилиш таннархини арзонлаштириш, сифатини янада яхшилаш мақсадида бинокорлик ашёлари етказиб берадиган кичик корхоналар сони кўпайтирилмоқда. Улар маҳаллий хомашёдан пишиқ-пухта қурилишбоп ашёлар ишлаб чиқаришлари учун мукаммал технологиялар билан таъминланишига кўмак берилаяпти.

"Шуҳрат Баҳриев қурилиш-сервис" корхонаси ўзига яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланиб, қишлоқ жойларда уйлар ва бошқа ижтимоий соҳа объектларига сифатли бинокорлик ашёлари етказиб бераётган пешқадам жамоалардан биридир. Бу ерда ҳар ойда 200 миллион сўмлик бетон плиталар, ғишт ва бошқа зарур материаллар буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Эътиборлиси шундаки, уй-жойлар қурилиши учун бу ашёлар ўртача 10-15 фоиз арзон нархларда сотилмоқда.

— Буюртмалар ҳажми ортгани сайин даромадимиз ҳам кўпайиб бормоқда, — дейди кичик корхона раҳбари Шамсиддин Баҳриев. — Натижада корхона учун янги техника воситалари сотиб олаяпмиз. Жамоа аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ҳам ортиб, ҳар бир ишчи бир ярим миллион сўмгача маош олмоқда.

Муҳими, қурилиш индустриясининг етакчи корхоналаридан бирига айланиб бораётган мазкур жамоада шартнома асосида ҳар битта қишлоқ уйларига буюртмани ўз вақтида етказиб бериш, янги хилдаги бинокорлик ашёларини конвейрга жойлаштириш, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, корхона маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаб, янги сердаромад иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
«Adolat» мухбири






С.Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар

# Жасорат. Бурч. Матонат...

Давоми. Боши 1-бетда

Учрашувда Иккинчи жаҳон урушида ватандошларимизнинг жасорати ҳақида ёшларга сўзлаб берилди. Шу билан бирга, 9 май арафасида мамлакатимизда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали ва бир марталик пул мукофоти тантанали равишда топширилиши, «Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшаётган кексалар ҳолидан хабар олиниши ва уларга эсдалик совғалари топширилиши алоҳида таъкидланди.

Қолаверса, республикамизда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, кўп тармоқли ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказлари, клиникалар, илмий-тадқиқот институтларида даволаниш учун имтиёзли ордерлар ажратиш, доимий кўмаклашиш, жумладан, уйида тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт ходимини бириктириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётгани бўлажак тиббиёт ходимлари ҳисобланган ўқувчиларимизни янада таъсирлантирди.

Ўрни келганда таъкидлаш лозим, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари кўрсатган матонат ҳамда жасоратлари аҳамиятини коллежимиз ўқувчилари ўртасида тарғиб қилишга бағишланган кўплаб маънавий-маърифий тадбирларни режалаштирганмиз. Жумладан, умумхалқ байрами арафасида ўқувчиларимиз Хотира майдони, Ўзбекистон тарихи, Қуролли Кучлар давлат музейлари ҳамда "Қатағон қурбонлари хотираси" музейига бориши белгиланган.

Умид қиламизки, бу каби чора-тадбирлар ўсиб келаётган авлод вакилларининг фашизмга қарши урушда мардона жанг қилган, оғир машаққат ва мусибатларни бошидан кечирган ҳамда халқимиз асрлар давомида орзу қилган эркинлик учун ўз жонини қурбон қилган юртдошларимизнинг хотираси абадийлигини чуқур ҳис этишига кўмаклашади.

**Барнохон УМАРОВА,**
Сергели тиббиёт коллежи бўлим мудири

# Фаолиятга янгича ёндашиб ишлаш

## дастурий вазифаларимиз ижросини таъминлашда муҳимдир

**Пленум**

Мамлакатимизда 2014 йил декабрда маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтган сайлов ҳамда жорий йилнинг 29 мартидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови сиёсий партиялар учун муҳим синов, сиёсий майдонда чиниқиш ва амалий тажриба орттириш имконияти бўлди. Эндиликда ҳар бир сиёсий куч, жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сайловолди дастурида ўз зиммасига олган вазифаларини тўлиқ амалга ошириши, демократикислоҳотларнинг навбатдаги босқичида муносиб иштирок этиши партиянинг барча бўғиндаги ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ўз фаолиятига янгича руҳда ёндашиб ишлашини талаб этмоқда.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг жорий йил 13 апрелда бўлиб ўтган III Пленумида партия Сайловолди дастуридан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларни бажариш ҳамда Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 23 январидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар асосидаги амалий чора-тадбирлар комплекс Ҳаракат дастури қабул қилинди. Айни кунларда мазкур Дастурни амалиётга изчил йўналтиришга доир энг муҳим масалалар юзасидан ҳудудий партия ташкилотларида навбатдаги Пленумлар бўлиб ўтмоқда.




**ТОШКЕНТ ШАҲРИ.** Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги Пленумида партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, шаҳар партия ташкилотининг барча бўғиндаги тузилмалари вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашдилар.

Қайд этилганидек, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида ривожланган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод ва обод ҳаёт қуриш йўлида эришилган ютуқлар, тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида қўлга киритилаётган юксак муваффақиятлар хусусида фикр юритилиб, амалга оширилаётган ислоҳотларни давом эттиришда олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Тадбирда сўзга чиққан депутатлар ва партия фаоллари бу долзарб ва ҳаётий масалалар Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг келгуси фаолиятида устувор йўналишларни белгилаш, тизимдаги партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари ишининг самарадорлигини янада оширишда муҳим асос сифатида хизмат қилишини эътироф этишди. Иштирокчилар Президентимиз нутқининг мазмун-моҳиятини партия аъзолари орасида кенг ўрганилишини ташкил этиш мақсадида барча БПТларда ўқув семинарлари, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилишини таъминлаш хусусида сўз юритдилар.

— Партиямизнинг "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун" Сайловолди дастури бизга халқ ишончини қозониб, депутатлик мақомига эга бўлишимизда энг асосий восита бўлган эди, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Ботир Даминов. — Эндиликда мазкур Дастурни амалга оширишга қаратилган комплекс амалий Ҳаракатлар дастурининг самарали бажарилишини таъминлаш олдимизда турган энг муҳим вазифа саналади. Албатта, ушбу Дастурнинг ижроси партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, фаолларимиз, айниқса, депутатлик корпусларининг ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашишларига, барча ташкилий ишларни ўз вақтида ва юқори савияда бажаришларига узвий боғлиқ. Айни шу жиҳатдан Дастур бўйича тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда депутатлик гуруҳимиз бошланғич партия ташкилотларидан тортиб, туман, шаҳар партия кенгашлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатмоғи зарур.

Шунингдек, Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси мухолиф деб эълон қилинганлиги муносабати билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгашининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича қилинадиган ишлар хусусида атрофлича мулоҳаза ва таклифлар ўртага ташланиб, фикрлашиб олинди. Партиямиз фракцияси янги сиёсий мақом олганлиги муносабати билан Тошкент шаҳар партия ташкилотлари ва депутатлик корпусининг иш режаларини қайта кўриб чиқиш, депутатлик корпуси ҳамда партия ташкилотининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Пленум якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.** Вилоят партия кенгашининг Марғилон шаҳрида ўтказилган навбатдаги Пленумида сиёсий куч сифатида аниқ ғояга эга бўлган ва республикамизни ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим масалаларида қатъий позициясини намоён этиб келаётган партиямиз демократик ислоҳотларнинг галдаги босқичида ўз олдига улуғвор мақсадларни қўйиб, амалий ишларга киришгани алоҳида қайд этилди.

— Партиямиз фракцияси Демократик блокка нисбатан ўзини мухолифат деб эълон қилганлиги боис барча даражадаги депутатлик корпуслари фаолиятининг шакл, усул ва йўналишларини муҳокама этиш, шундан келиб чиқиб, иш режаларини такомиллаштириш масаласи Ҳаракат дастуридан ўрин олган, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Шоҳида Аббасова, — Албатта, мазкур муҳокамаларга экспертлар, партия фаолларининг кенг қатламини жалб қилиш ижобий аҳамиятга эга. Бу жараёнда маҳаллий Кенгашлардаги ҳар бир депутат ўз ташаббускорлиги, профессионал сиёсий маҳоратини намоён этиши айни муддаодир. Негаки, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳудудларда мавжуд муаммоларни партиянинг қуйи ташкилотлари билан ҳамжиҳатликдаги ишлари асосида яқиндан биладилар, қонун ҳужжатларининг амалиётда кузатилган бўшлиқларидан тезда хабардор бўладилар.

Айни пайтда Фарғона вилоятидаги маҳаллий вакиллик органларида партиямиздан 80 нафардан ортиқ депутат фаолият юритаётганлиги партиямизнинг ҳудудда мавқеи ошганини ифодалаб турибди. Бироқ, гап фақатгина сонда эмас, ишонч ва мавқе ишдаги аниқ натижалар билан белгиланади. Фаолиятга танқидий ёндашув депутатлик гуруҳлари ва партия ташкилотларининг доимий диққат марказида бўлиши муҳимдир. Депутатлар ва депутатлик гуруҳлари партиямизнинг янги Ҳаракат дастурини ҳаётга татбиқ этишда партия ташкилотларимиз, вилоятдаги ҳокимликлар, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда, ижтимоий шериклик саъй-ҳаракатларини кенгайтирган ҳолда салмоқли натижаларга эришишлари зарур.

Тадбирда, шунингдек, эндиликда партиялараро сиёсий рақобат янада кучайишини назарда тутиб, партиянинг барча бўғиндаги тузилмалари, фаоллар, ҳар бир сафдошимиз ўз зиммасига аниқ масъулият олиб, партиянинг умумий ишига ҳисса қўшиши ҳар қачонгидан муҳим эканлиги эътироф этилди. "Адолат" СДПнинг янги Ҳаракат дастури ва шу асосда ишлаб чиқилган вилоят партия ташкилотининг дастурини амалиётга татбиқ этишда фаол қатнашиш, партия ҳужжатларида белгиланган вазифалар, жумладан, мазкур Пленум қарорлари уларнинг ҳар бирига аниқ етказилишини таъминлаш лозимлиги ҳақида ҳам тавсия ва кўрсатмалар берилди.



Пленумда тасдиқланган вилоят партия кенгашининг амалий чора-тадбирлар комплекс дастури асосида вилоят партия ташкилотининг яқин йилларга мўлжалланган ишлари режалаштирилиб, ташкилий-партиявий, ғоявий, молиявий-иқтисодий чора-тадбирлар аниқ йўналтирилди, туман-шаҳар партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари, барча даражадаги депутатлик корпуслари ҳамда партиянинг жамоатчилик тузилмаларининг фаолият механизмлари белгилаб берилди.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** Тошкент вилоят партия кенгаши Пленумида ҳам кун тартибидаги асосий масалалар мазмуни давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 10 апрель куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, жумладан, ҳудудий партия ташкилотлари амалга ошириши лозим бўлган чора-тадбирлар, партиямиз янги Ҳаракат дастурининг мазмун-моҳияти ва уни оғишмай ижро этишга доир масалалар, партиямиз фракцияси мухолифат деб эълон қилинганлиги муносабати билан маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари ҳамда вилоятдаги партия ташкилотларининг мустаҳкам алоқада иш олиб боришига қаратилди.

Вилоят партия кенгаши раиси К.Шодиметов ўз сўзида ўтган сайлов кампаниялари жараёнларида тажрибамиз, партия фаолларининг профессионал салоҳияти ошганлиги ҳам партиямизнинг Сайловолди дастури ҳамда янги Ҳаракат дастурини ҳаётга самарали татбиқ этишда таъсирчан аҳамиятга эгалигини қайд этди.

— Буни жорий йилнинг биринчи чорагида барча бўғиндаги партия ташкилотларининг фаолиятида кузатилган ижобий ўзгаришларда ҳам кўриш мумкин, — деди К.Шодиметов. — Жумладан, кадрлар тизимини мустаҳкамлаш, қуйи тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш борасида амалий ишлар қилинди. Сиёсий кучнинг таянчи бўлган бошланғич партия ташкилотлари сони янги сафдошларимиз сафи кенгайиши ҳисобига янада ортди.

— Партиямиз бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тарафдоридир. Шу маънода "Адолат" СДП матбуот хизмати томонидан йўлга қўйилган "Онлайн депутат" интерактив хизматида очиқлик, ошкоралик ва тезкорлик тамойиллари асосий мезон саналади, мазкур интерактив хизмат тури партиянинг Қонунчилик палатасидаги ҳамда маҳаллий вакиллик органларидаги депутатларига ўз округи ҳудудидаги аҳоли ва кенг жамоатчилик билан ишлашида самара бераётганлиги бундай тажрибани оммалаштириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда, — дейди халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Наргиза Ҳасанова. — Интерактив хизмат орқали улар аҳоли билан электрон тарзда мулоқот ўрнатиб, муайян ҳудудларда ечимини кутаётган масалаларни ўрганиш, таҳлил этиш имконига эга бўладилар. Янги комплекс Ҳаракат дастурида "Онлайн депутат" лойиҳасининг Тошкент шаҳар кенгаши намунасида барча ҳудудий партия ташкилотларида жорий қилиш кўзда тутилганлиги айни муддаодир. Зеро, адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, "Адолат — қонун устуворлигида" тамойилини амалиётга янада кенг жорий этиш "Адолат" СДП учун устувор йўналиш бўлиб қолаверади.

Музокараларга бой тарзда ўтган Пленумда барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ.** Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти партия кенгашининг Пленуми ҳам ишчанлик руҳида ўтди.

Пленумда вилоят партия кенгаши раиси Олимжон Мақсудов "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун" Сайловолди дастурини амалга ошириш бўйича комплекс амалий Ҳаракат дастурини амалиётга тўла татбиқ этишда вилоят партия ташкилоти зиммасидаги асосий вазифалар ҳақида батафсил сўз юритди.

— Эндиликда дастурий мақсадларимизни ижро этиш, сайловчиларга берган ваъдаларимиз устидан чиқиш учун партиянинг барча бўғинлари ишини белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратишимиз зарур, — деди О.Мақсудов. — Бу борада Сайловолди дастурини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган комплекс амалий Ҳаракат дастурини рўёбга чиқариш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳар бир партия ташкилоти — вилоят кенгашидан тортиб БПТгача, қолаверса, барча сафдошларимиз шу масала юзасидан ўз ўринларини белгилаб олишлари ва масъулиятни ҳис этган ҳолда фаолият кўрсатишлари муҳимдир. Бунинг учун "адолатчи"ларда етарли куч-ғайрат, имконият ва салоҳият бор. Айни пайтда партиядошларимиз сони олти минг кишига етганлиги, бошланғич партия ташкилотлари сони эса 300 тага яқинлашиб қолганлиги фикримиз далилидир.

— Бугунги кунда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талаблари ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб боришни тизимли йўлга қўйишда фаол бўлишимиз лозим, — деди халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Эркин Эргашев — Айниқса, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик барча соҳалар бўйича аҳоли, партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда депутатлик сўровлари кўламини кенгайтириш муҳим вазифаларимиздан бири бўлмоғи зарур. Депутатлик сўровлари натижалари бўйича мониторинг юритган ҳолда, ундан келиб чиқадиган хулосаларга асосланиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар бериб боришни йўлга қўйиш зарур. Энг муҳими, ушбу соҳага доир ишларимиз, эришилаётган натижалар, хусусан, депутатлик корпусларимизнинг назорат-таҳлил фаолияти ОАВда кенг ёритилишига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Пленум иштирокчилари партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси мухолифат деб эълон қилинганлиги муносабати билан "Адолат" СДП Наманган вилояти депутатлик корпуслари ҳамда партия ташкилотининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг долзарб аҳамияти, бу борада тарғибот ишларининг шакл ва услублари хусусида ҳам атрофлича фикрлашиб олишди.

Маърузалар юзасидан музокараларда қатнашган Ўзбекистон "Адолат" СДП Чуст тумани кенгаши раиси Содиқжон Аҳмедов, Наманган давлат университети ректори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Абдусалом Умаров, Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, халқ депутатлари Чортоқ тумани Кенгаши депутати Саидолим Абдураҳмонов ва бошқалар ҳам партия ташкилотларининг келгусида олиб борадиган фаолиятини янги шароит ва вазифалар нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳаза билдиришди. Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

**Бобир ОТАМУРОДОВ, Комила ИСРОИЛОВА, Сарвиноз ҲАМРОЕВА, Нурбек АБДУЛЛАЕВ**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар, Фарғона, Тошкент, Наманган вилоятлари матбуот котиблари

# Андижон: ОБОД ВА БЕТАКРОР,

## Яратувчилик, юрт равнақига масъуллик

### ҳар бир фуқаронинг ҳаёт шиори, қалб амрига айланган

**➢ Бунёдкорлик**

Водий гавҳари Андижон ҳақида бугун ҳар қанча фахр ва ифтихор билан гапирсак арзийди. Истиқлол йилларида вилоятда амалга оширилган улкан яратувчилик ишларининг залворини сўз билан таърифлашга тил ожиз, десак асло муболағаси йўқ.



Бугунги Андижонни бир кўрган киши шундай юртда яшашни орзу қилиши, унинг яратувчан халқига таҳсинлар айтиши бор гап. Вилоят марказидан тортиб чекка Улуғноргача, гуллар диёри Хонободдан Баликчигача бир ўхшашлик — ободликни, янгича қиёфадаги маҳаллалар ва кўчалар кўркини кўриб диллар ҳайрат ва шукуҳга тўлади. Кун сайин чирой очиб келажакка юз тутаётган вилоят аҳли улуғвор мақсадларни кўзлаб, бунёдкорлик иштиёқи билан ҳалол меҳнат қилмоқда. Бундай юксак шукуҳ ва фаровонлик муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, ҳар бир андижонлик эртанги кунга мустаҳкам ишонч билан яшаётганлигининг ифодасидир.

Улуғнор туманида яшовчи нуроний отахон Мўминжон Сатторов билан суҳбатлашиб қолдик, отахон ўз қувончини шундай ифодалади: "Бундай юртда яшашнинг ўзи бахт ва саодат. Қаранг, энг чекка ҳудудларда ҳам замон нафаси. Гувала деворлар ўрнида замонавий архитектура талаблари асосида барпо этилган бинолар. Ўзгаришлар, янгиланишлар боис кеча юрган йўлингни бугун таний олишинг қийин. Фақат бунинг қадрига етиш керак..."

Чиндан ҳам мустақиллик неъматларининг қанчалар улуғлигини, буюклигини билмоқчи бўлганлар Андижоннинг бугунги қиёфасига назар ташласа бас. Ўтган йиллар давомида қанчалар катта ўзгаришлар бўлганини ҳар қадамда сезиш мумкин. Вилоят маркази Андижон шаҳридаги Ўзбекистон ва Миллий тикланиш кўчалари энг ривожланган давлатларнинг шаҳарларидаги кўчалар билан бўйлашишга тайёр. Бир-биридан гўзал биноларда миллийлик билан бирга замонавий дизайн ўз аксини топган. Хўжаобод тумани қишлоқларини кўрган киши гўёки ўзини шаҳар марказида юргандек ҳис этади. Олтинкўл ва Андижон туманининг ҳар бир гўшасида бугуннинг нафасини, юртдошларимиз янгиликларга интилиб яшаётганлигини илғаб оласиз.

**Ҳудуди — 4,3 минг кв.км.**
**Аҳоли сони — 2857,4 минг киши.**
**Йирик саноат корхоналари — 48 та.**
**Умумтаълим мактаблари — 741 та.**
**Ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар сони — 129 та**
**Олий таълим муассасалари — 5 та.**
**Соғлиқни сақлаш муассасалари — 377 та.**
**Спорт муассасалари — 4337 та.**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзолари — 7481 нафар.**



Янги ишлаб чиқариш корхоналари, намунали уй-жой массивлари, равон йўллар қишлоқларда ҳам барпо этилаётгани бор ҳақиқат. Бу ўз-ўзидан вилоятдаги бунёдкорлик ишларига, юрт ободлигига масъуллик ҳар бир фуқаронинг ҳаёт шиорига, қалб амрига айланганлигини кўрсатади.

Албатта, юқоридаги каби ишлар аҳолининг турмуш маданияти яхшиланиши, барча соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилишига олиб келмоқда. Ишлаб чиқаришни техник-технологик жиҳатдан янгилаш натижасида ўтган 2014 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 108 фоизни ташкил этди. Аҳолининг реал даромадларини ошириш, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш каби вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Янги иш жойларини ташкил этиш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили 80 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Шу йилнинг январь-февраль ойларида 5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилгани жорий йилда бу борада янада катта ютуқларга эришилишини кўрсатиб турибди.

Ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида, жумладан, кичик бизнес соҳасида 2 мингта янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. Натижада уларнинг сони 23 мингтага етди.

Мустақиллик яратган улкан мўъжиза — Асака шаҳридаги "JM Uzbekistan" қўшма корхонаси вилоят саноатида алоҳида ўрин эгаллайди. Президентимиз ташаббуси билан асос солинган мазкур автомобиль заводи мутлақо янги соҳа. Ушбу завод мамлакат иқтисодиётини жадал суръатларда ривожлантириш имконини яратишда салмоқли ўрин тутади. Мазкур завод ўз эркини қўлга киритган Ўзбекистон қандай салоҳият, имконият ва истиқболга юз тутаётганлигини бутун дунёга намоён этди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, йўлларни тартибга солиш ишлари ҳам жадал бормоқда. Ўтган йили вилоятда намунавий лойиҳа асосида 977 та уй-жой барпо этилган бўлса, бу йил 1060 та ана шундай уй-жойлар қурилмоқда. Бу эса ҳадемай шунча оила янги уйларда ҳовли тўйларини нишонлайди, деганидир.

Бугун қайси бир туманда бўлманг, намунали лойиҳа асосида қурилган уй-жойлар Андижоннинг чиройига чирой қўшаётганини кўриб қувонасиз.

— Шундай чиройли ва шинам, барча қулайликларга эга уйлар кўз олдимизда бунёд этилмоқда, — дейди намунавий лойиҳа асосида Андижон туманидаги "Камолот" кўчасида қурилган уйлардан бирида яшовчи Оматхон Ҳамидова. — Мустақиллик шарофати билан биз ҳам мана шундай кўркам уй соҳиби бўлишдек бахтга муяссар бўлдик. Янги уйимизда ҳамма шароит бор. Буларнинг барчаси Юртбошимиз раҳнамолигида улуғ бунёдкорлик ишлари амалга ошаётганлиги, мамлакатимизда ҳамма нарса инсон ва унинг бахт-саодати, фаровон яшаши учун хизмат қилаётганининг ёрқин ифодасидир. Бунга жавобан биз ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, юрт ободлигига муносиб ҳисса қўшмоғимиз керак.

2014 йилда Андижон шаҳар, Баликчи ва Асака туманларида кўп қаватли уйлар қурилиб, 144 та ёш оилаларга имтиёзли кредитлар асосида берилгани вилоят ёшларига алоҳида эътибор қаратилаётганининг яна бир амалий тасдиғидир.



Вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва яратувчилик ишларида хотин-қизларнинг муносиб ўрни бор. Шу маънода давлатимиз раҳбари жорий йилда Андижонга ташрифи чоғида гўзаллик тимсоли бўлган аёлларимизни алоҳида шарафлаганлари барчамизни қувонтирди. Ҳақиқатдан ҳам ўзининг борлиғи, гўзаллиги билан юртдошларимизни ғайрат-шижоат, меҳр-муҳаббат билан яшашга, бунёдкорлик ишларига чорловчи фаол аёллар сафи кенгайиб бормоқда.

Албатта, ана шундай ташаббускор хотин-қизлар орасида "Адолат"нинг адолатли аёллари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг оиладаги оналик вазифасидан ошиб давлат бошқарувида, жамоат ишларида ва ишлаб чиқаришда ҳам фаоллик кўрсатаётгани таҳсинга лойиқ.

Барча олижаноб ҳаракатларимизнинг замирида фарзандларимизни жисмонан ҳамда маънан соғлом инсонлар қилиб вояга етказиш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш мақсадлари ётади. Шу эзгу ният йўлида амалга ошираётган ишларимиз ўз натижасини бермоқда. Андижон бокс мактаби ҳақида нафақат республикамизда, балки кўплаб хорижий давлатларда ҳам яхши билишади. Эндиликда спортнинг бошқа турлари ҳам ривожланиб бормоқда. Охирги бир йилда самбо бўйича Ислом Азимов жаҳон чемпиони, оғир атлетикадан Руслан Нуриддинов, эркин курашдан Маҳмуд Шавкатов, боксдан Ихбол Ҳайдаров жаҳон чемпионати совриндорлари бўлишди.

Шунингдек, Осиё чемпионатида паралимпия ўйинлари ғолиби Мавлон Ҳайдаров ядро улоқтиришда, Абдулла Собиров қиличбозликда чемпионликни, Умиджон Усмонов эркин кураш бўйича, Ойбек Мамазулунов бокс бўйича 3-ўринни қўлга киритди.

Бир сўз билан айтганда, обод ва бетакрор заминга ҳамнафас Андижоннинг ҳар бир куни ривожланиш ва тараққиёт йўлида ёрқин бир саҳифага айланмоқда.

**Илҳомжон АБДИЛАЗИЗОВ,**
Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки Андижон вилоят бўлими бошқарувчиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати

# Марказий Осиёда ягона

**➢ Саноат**

Анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танлови тадбиркор, ҳунарманд ва фермерлар учун ўзига хос синов бўлиши билан бирга уларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, илғор тажрибаларини оммалаштириш, ёшларни тадбиркорликка жалб этишга хизмат қилмоқда. Буни йилдан-йилга мазкур кўрик-танлов қатнашчилари сонининг ортиб бораётгани ҳам кўрсатиб турибди. Улар орасида Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзолари кўпчиликни ташкил этаётгани янада қувонарли.

— Бу йилги "Ташаббус-2015" кўрик-танловининг Андижон тумани босқичида тадбиркор Улуғбек Содиқов раҳбарлигидаги "Фусункор" масъулияти чекланган жамиятимиз "Энг яхши тадбиркор" деб топилди, — дейди корхона директори ўринбосари, «Адолат» партияси фаолларидан бири Ихволбек Раҳмонов. — Корхонамиз мамлакатимиз энергетика тизимида ишлатилаётган жиҳозларнинг авария ҳолатларини камайтириш ва куйишининг олдини олишга хизмат қиладиган ҳимоя воситалари ҳамда электр бутловчи қисмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, 1996 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. "Андижон бадиий кулол шиша тажриба" заводи негизида ташкил этилган корхона сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари билан ички бозорда жуда тез ўрнини топди.




Суратда: *корхона директори ўринбосари И.Раҳмонов ва цех бошлиғи И.Икромов.*

Дастлаб ҳаво ва кабель линияларидаги кучланиш трансформаторларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган юқори ва паст кучланишли сақлагичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қисқа вақт мобайнида маҳсулот ҳажми ва тури ортиб борди. Айни вақтда корхонада илгари хориждан валюта ҳисобига олиб келинадиган 9 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. "Ўзбекэнерго" ДАК тизимидаги буюртмачиларга сифатли маҳсулот етказиб берилаётгани ҳисобига катта миқдордаги валюта захираси иқтисод қилинаётгани эътиборга молик.

Кейинги йилларда тайёрланаётган сақлагичлар шу ерда ташкил этилган лабораторияда синовдан ўтказилаётганлиги сабабли меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати кескин ортди. Энергетика тизими учун зарур кўчма улаш мосламалари, контактлар, изоляторлар, штангалар ва бошқа жиҳозлар етарли тажриба ва малакага эга бўлган ишчилар қўлидан ўтаётганлиги туфайли буюртмачиларга манзур бўляпти. Айни пайтда яқинда коллежни тамомлаб иш бошлаган ёшлар ҳам ана шундай усталардан касб сирларини пухта ўрганмоқдалар.

— Бу йил Андижон шаҳридаги алоқа коллежини тамомлаб, ўз касбининг ҳақиқий усталари билан ёнма-ён йиғувчи бўлиб иш бошлаганимдан, муқим иш жойига эга бўлганимдан ғоятда хурсандман, — дейди Андижон туманидаги Ҳакан қишлоғида яшовчи Моҳинур Маҳмудова.

Бош муҳандис Равшанбек Абдуғаниев, чилангар Райимжон Асқаров, ишчилар Одинахон Юнусова, Марҳабо Турғунова ва Акмалжон Низомовлар ҳам ўз ишидан мамнун. Ойига ўртача 600 минг сўмдан маош олиш билан бирга ишловчилар учун яратилган қулай шароит уларни янада изланишга ундамоқда.

Бугун нафақат республикамизда, балки бутун Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур корхона маҳсулотларига талаб ва эҳтиёжнинг катталиги ишчиларнинг ўз вазифаларига янада масъулият билан ёндашиб, ҳаёт билан ҳамқадам бўлишга ундаяпти. Энг асосийси, бу ерда меҳнат қилаётган партиядошларимиз ўз вазифасини бажариш билан бирга партиявий тадбирлар, аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб боришда ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.



# "Ҳаётимдан завқ, ҳузур-ҳаловат топдим"

— дейди Берлингача бўлган жангларда иштирок этган юртдошимиз, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Одилжон ота Сиддиқов

**➢ Эҳтиром**

Қўрғонтепа туманининг Султонобод қишлоғида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Одилжон ота Сиддиқов бу йил тўқсон биринчи баҳорни қарши олмоқда. Шу табаррук ёшда ҳам бу инсон ҳали дадил, ҳамон меҳнат билан машғул. Қишлоққа Иккинчи жаҳон урушидан омон келган бир юз йигирма нафар кишидан ҳозир биргина Одилжон ака ҳаёт.

1942 йил отахоннинг кечагидек ёдида. Уруш кулфатлар ёғдирди. Қишлоққа ўқтин-ўқтин «қора хат»лар келиб турарди. Болаларнинг осмонга термулиб: «Самолёт, самолёт, дадамни олиб кел, соғиндим», деган ўтинчлари кексаларнинг юрагини ўртарди. Ўша йили 18 ёшга кирган Одилжон Сиддиқов ҳам урушга кетди. Пенза шаҳрида ҳарбий тайёргарликни ўтагач, ўқчи полкда Курск, Орёл шаҳарларини душмандан озод қилишда қатнашди. «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланди.

1944 йил 2 март куни чекиниб бораётган гитлерчилар армияси билан аёвсиз жангда снаряд парчаси Одилжонни четлаб ўтмади. Бошидан жароҳатланди. Бир ой даволангач, Берлингача бўлган жангларда иштирок этди.

Урушдан омон қайтгач, 40 йилдан зиёд жамоа хўжалигида ишлади. Эътиборхон ая билан саккиз фарзандни вояга етказиб, элга қўшди.

— Ҳаётда ҳар бир инсоннинг ўз йўли бор. Ҳалоллик ва тўғриликдан қўймасин. Яхши одам бировга ёмонликни раво кўрмайди. Мен мана шу ақида билан яшаяпман. Ҳаётимдан завқ, ҳузур-ҳаловат топдим, меҳнатимнинг роҳатини кўрдим. Мустақилликка эришганимиздан буён осмонимизда истиқлол қуёши порлаяпти. Эл-юрт учун, Ватан учун ишлайдиган, яшайдиган давр келди, — дейди у.

**Турғунбой ХОЛБОЕВ,**
меҳнат фахрийси

# ҲАМИША ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Давоми. Боши 1-бетда

— Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, — дейди **«Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев**, — ўсиб келаётган ёш авлодни мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-маънавий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан таништириш, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантириш, уларни «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларидан асраш каби мақсадларни ўз олдига қўйган фестивалнинг мазмун-моҳияти йил сайин бойиб бормоқда.



Фестиваль вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида давом этмоқда. Айниқса, Хонобод шаҳри, Булоқбоши, Жалақудуқ, Қўрғонтепа, Марҳамат туманларидаги ёшлар марказлари, коллежлар, "Меҳрибонлик уйи", болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида кўтаринки руҳда ташкил этилди. Иштирокчиларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, қувончини яшира олмайди.

**Элёр РАХМЕТОВ,**
**«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби, ҳуқуқшунос:**

— Тарғибот гуруҳимиз билан иқтидорли йигит-қизларни излаб топиш, уларнинг ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этишларига кўмаклашиш, ёшларни турли салбий иллатлар таъсиридан асрашни мақсад қилдик. Гиёҳвандлик, диний экстремистик, террористик оқимлар таъсирига берилмаслик, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик мавзуларини «Тенгдошдан тенгдошга» усулида етказишга ҳаракат қиляпмиз.



## "Биз буюк юрт фарзандларимиз!"

### ёшлар фестивали ўтказилмоқда

**Эркиной РЎЗИМАТОВА,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси:**

— Замонамиз қаҳрамонлари бўлган тенгдошларимиз билан танишиш ўзимизга бўлган ишончни янада оширди. Мақсадлар аниқ бўлса, ўқиб, изланса, албатта, биз юрт ишига камарбаста фарзандлар бўла олишимизни улар мисолида чуқур ҳис этдик.

**Рустам ТЕШАБОЕВ,**
**сузиш бўйича беш карра Ўзбекистон чемпиони:**

— Мустақиллик фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Биз жаҳон андозалари даражасида ўқиш, Ўзбекистонимиз довруғини дунёга ёйиш имкониятларига эга бўлдик. Камолотимиз йўлида ҳамма ҳавас қиладиган шарт-шароитлар яратиб берилган. Фестиваль давомида тенгқурларим ҳозир айни ўқийдиган, изланадиган давр эканлигини юрак-юрагидан англаб турибдилар. Ёруғ манзилларни кўзлаб, ғайрат-шижоат билан ҳаракат қиламиз. Дунё ареналарида ҳам давлатимиз байроғини баланд кўтарамиз.

**Ғолибжон РАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгаши мутахассиси:**

— Албатта, бугунги тадбир ёшларимизни ижтимоий-сиёсий фаолликка бошламоқда. Давлатимиз томонидан уларга бўлган эътибор ва ғамхўрликларни тушуниб етган йигит-қизлар юрт равнақи, Ватан тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилиб олмоқда. Бу борада ёш "адолатчи"ларнинг ҳам ташаббускорлиги ортиб бориши шубҳасиз.

Муҳими, фестиваль доирасидаги гала-концерт, спорт мусобақалари, санъат ва илм-фан аҳли билан учрашувлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Халқимизнинг севимли санъаткорлари, замонамиз қаҳрамонлари, ёш олимлар, депутатлар, чемпионлардан таркиб топган тарғибот гуруҳи вакиллари туманларда бўлиб, "Депутат ва ёшлар", "Одам савдоси — олам муаммоси" каби бир қатор лойиҳалар доирасидаги мулоқотларда ёшларни ватанпарварликка, фаолликка чорламоқда.

# Нафосат ва гўзаллик сайли

### "Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик!" анъанавий кўрик-танлови ўтказилди

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик!" номли кўрик-танлов, чин маънода, меҳнат, нафосат ва гўзаллик тантанасига айланмоқда.



19 апрель куни Андижон шаҳрида 2014 йилда "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида бўлиб ўтган мазкур тадбирнинг якунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов доирасида шаҳар ва туманларда амалга оширилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари халқ сайилига айланганлиги, энг чекка ҳудудларда ҳам юртдошларимиз гул экиб, ҳар масканни гўзал бир ҳаёт гулшанига айлантираётгани таъкидланди. Ҳар бир ҳудудда бўлманг, ўзига хос гўзаллик ва яратувчилик ишларининг гувоҳи бўласиз.

Жумладан, Олтинкўл, Асака ва Андижон туманларида байрам нафаси маҳаллалардан ошиб, ҳар бир хонадонга кириб борди. Кекса авлод вакиллари билан учрашувлар янги барпо этилган объектларнинг очилиши, аҳоли дам олиш масканларининг фойдаланишга топширилиши, ёш спортчиларнинг беллашувлари ва меҳр-саховат тадбирларига уланиб кетди.

Гуллар шаҳри — Хонободдаги гўзаллик бугун вилоятнинг барча ҳудудларига, ҳатто чекка Улуғнор туманига ҳам кўчгани, Балиқчи ва Олтинкўл туманлари аҳлининг магистраль йўллар бўйларида яратган гулзорлари ҳар бир кишини ўзига ром этмоқда.

Танлов ҳакамларининг хулосасига кўра, Олтинкўл тумани ғолибликка лойиқ топилди ва биринчи даражали диплом, ўн беш миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Иккинчи ўрин, иккинчи даражали диплом ва ўн миллион сўм пул мукофоти Хонобод шаҳрига, учинчи ўрин Андижон ва Балиқчи туманларига насиб этди. Асака ва Марҳамат туманлари рағбатлантирувчи мукофотга эга бўлди. Жалақудуқ ва Пахтаобод туманлари санъаткорларининг фаол иштироки алоҳида эътироф этилиб, санъаткорлар гуруҳлари "Энг яхши бадиий жамоа", деб топилди. Шунингдек, шаҳар ва туманлардан биттадан энг яхши маҳалла фуқаролар йиғинлари вилоят ҳокимлиги томонидан мебель жамланмаси билан мукофотланди.

— Юртбошимиз андижонликларга дўпписида сув олиб келиб бўлса-да, гул ўстиради, дея таъриф берганди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Балиқчи туман кенгаши раиси Неъматжон Шералиев. — Бугун ҳовлисига ва кўчасига гул экмасликни хижолатли ҳол, деб биладилар. Шу боис барча жойлар гулу чаманзорга айланмоқда. Бу яхшиликдан, яратувчиликдан, фаровон ҳаётимиз шукронаси-ю, қалб гўзаллигидан далолат беради.

Тадбир давомида 2015 йилда кўрик-танлов доирасида амалга ошириладиган ишлар ҳам белгилаб олинди. Ҳозирдан ҳар бир фуқаро юрт ободлигига ўз ҳиссасини қўшиш ҳаракатида эканини кўриб қувондик.

# Дўстлик ва тинчлик тантанаси

## ➢ Ўзбекистон — умумий уйимиз

Андижон шаҳридаги "Камолот" ёшлар боғида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида ўтказилган "Дўстлик" анъанавий фестивали катта шодиёнага айланди. Ўзбек, қирғиз, рус, уйғур, тожик, арман, татар ва бошқа миллат вакиллари ўзларининг миллий либосларида мазкур дўстлик тадбирига ташриф буюрдилар.

Тадбир доирасида вилоятдаги миллий-маданий марказлар, касб-ҳунар коллежлари, халқ таълими муассасалари, ҳунармандлар томонидан тайёрланган кўргазмалар намойиш қилинди. Миллий куй ва қўшиқлар, жозибали рақс тушаётганлар шодлиги ҳавасингизни келтиради. Рус каравайи, корейс кук-суи, уйғур лағмони, қирғиз бузуйида, бешбармоқ таомлари тадбир иштирокчиларига манзур бўлди.

Анжуманга келган барча меҳмонлар палов танлови ғолиблари томонидан тайёрланган ўзбек миллий таомидан баҳраманд бўлдилар. Албатта, дўстларнинг бир дастурхон атрофида жамулжам бўлишининг файзи бўлакча, ҳикмати беқиёс.

Кенг сайилгоҳга назар ташласангиз, юртдошларимизнинг турфа миллий кийимларда, кўтаринки кайфиятда бир-биридан гўзал миллий қадриятларни намоён этаётганини кўриб, завқланасиз. Оқ қалпоқли оқсоқоллар, бошига элечек кийган онахонлар, қирғиз миллий кийимидаги ёшлар қўлларида қўбиз, чанқовуз чалиб хурсандчилик қилишмоқда. Улар Хўжаобод туманидаги "Олтин водий" ва Марҳамат туманидаги Шукурмерган қишлоқларидан, Хонобод шаҳридаги 4-умумтаълим мактабидан келишганини айтишди.

— Репертуаримизда "Анорнинг донаси", "Қизил гул", "Ёр мени ёмон дейду", "Олтин тартайму", "Вой-доде" каби қатор қўшиқ ва рақслар бор, — дейди Пахтаобод туманидаги "Отуш" ансамбли рақкоси Сардор Раҳмонов.

Андижон шаҳридаги 2, 41, 43, Хонобод шаҳридаги 1-мактабларнинг вакиллари кўргазма томошабинларини русча лапарлар билан қарши олишди.

Балиқчи туманидаги индустриал-педагогика коллежида турли миллат вакиллари ўқийди. Улар тайёрлаган кўргазмадан ёш конструкторлар тўгараги аъзолари ихтиро қилган электрон халта, устун, ҳасса, китоб каби антиқа маҳсулотлар жой олган.

Гулу лолалар, шарлар, байроқлар билан безатилган саҳна ёнида турган Андижон шаҳридаги 3-мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Муножат Умарова ёш санъатсеварларнинг маҳорати, иқтидори ҳақида шундай дейди:



— Ўқувчиларимиз турли миллатларнинг чолғу асбобларида ажойиб куйлар чалишади. Уларнинг маҳорати бир қатор кўрикларда муносиб баҳоланяпти. "Наврўз садолари" республика кўрик-танловида, Тошкентда ўтказилган халқаро фестивалда ғолиб чиқдик. Яқинда Латвияда бўладиган "Дансе олимпиада Рига" фестивалида Ўзбекистон миллий мусиқа санъатини намойиш этиш учун тайёргарлик кўраяпмиз.

— Мазкур фестиваль миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, маънавиятини ошириш, уларда она Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтириши билан аҳамиятлидир, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгаши мутахассиси Ғолибжон Раҳимов. — Унда ёш партиядошларимизнинг ҳам фаол иштирок этганлигини таъкидлаш лозим. Бундай тадбирлар ўзаро аҳиллигимиз ифодаси ҳамда миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаши билан бирга, партиядошларимизнинг фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Миллатлараро тотувлик тушунчасининг ҳаётий моҳиятини англаб, шундай юксак руҳда озод ва обод диёримизда аҳил-иноқ яшаётган юртдошларимиз иштирокида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида ўтказилган фестиваль дўстлик ва тинчлик тантанасининг ёрқин ифодасига айланди.

**Суратларда:** *тадбирдан лавҳалар.*





Суратлар муаллифи Азаматжон ТОШМАТОВ

## ➢ БПТ — партия таянчи

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш партиямиз Сайловолди дастурида олдимизга қўйилган асосий вазифалардан бири саналади. Шундан келиб чиқиб, бу масала фаолиятимиз диққат марказида бўлиб келмоқда. 15 нафар партиядошимиз нафақат тиббиёт ходими, айни вақтда партия фаоли сифатида ҳам ўз иш режасини тузишда бу борадаги муҳим ишларни доимий назоратдаги вазифаси деб белгилаб олган.

# Ишонч ва хайрихоҳлик

### кучайишида БПТлар ҳал қилувчи ўрин тутади

Йилнинг ўтган даврида "Кексаларни эъзозлаш — бурчимиз" шиори остида ташкиллаштирилган акция доирасида Куйганёр шаҳарчасида яшовчи 150 нафардан ортиқ нуронийларнинг оилаларида бўлдик. Уларга тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, давлатимизнинг тинчликсойишталик, фаровонликни таъминлашга қаратилган сиёсати, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида суҳбатлар ўтказилмоқда.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросига мувофиқ, Дарёбўйи, Ойжамол маҳаллаларида умргузаронлик қилаётган ёши улуғ отахон-онахонлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ишлари янада яхшиланди. Шу мақсадда, биринчи навбатда, кекса ёшдагилар истиқомат қилаётган хонадонларда бўлиб, уларни тиббий кўрикдан ўтказдик. Заруратга қараб, муолажа ва кексалар саломатликларини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар бепул амалга оширилмоқда, уларга керакли дори-дармонлар берилаяпти.

Яна шуни айтиш жоизки, бошланғич партия ташкилотимиз кейинги йилларда Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши томонидан "Энг фаол БПТ" деб топилаётгани бизни янада фидойилик кўрсатишга ундамоқда. 2013 йилда "Энг намунали партия ташкилоти" республика кўрик-танловида ғолибликка сазовор бўлганимиз партиявий фаолиятимизни кескин жонлантиришга олиб келди. Зеро, бошланғич партия ташкилоти шу ҳудуд аҳолисида БПТ тарғиб этаётган сиёсий кучга бўлган муносабат қарор топиши ва ишонч мустаҳкамланишида ҳал қилувчи ўрин тутади. Бу борада ижобий самаралар ортаётгани бизга куч бағишлаб, дадил қадамларга ундайверади. Чунки касбимиз тақозоси билан турли ёшдаги кишилар, маҳаллалар аҳли билан доим яқин мулоқотдамиз ва бунга гувоҳ бўлиб қувонамиз. Мақсадимиз маслакдошлар сафини янада кенгайтириш, инсонпарвар ғояларимизни тарғиб этиш, аҳоли ўртасида партиямизга хайрихоҳликни кучайтириш ва бу билан партиямизнинг нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

**Зиёда НАЗАРОВА,**
Андижон тумани Куйганёр шаҳарчаси С.Раҳимов номли ҚВПдаги "Адолат" СДП БПТ раиси

Қўш саҳифани «Adolat» мухбири **Акбаржон НАЗАРОВ** тайёрлади.

# Меҳнат бозорига муносиб

## мутахассислар тайёрлаш йўлидаги ҳамкорлик

Давоми. Боши 1-бетда

Шу боис Нуриддин Тошкент шаҳридаги Ислом университети қошидаги академик лицейда олган билимини янада кучайтириш мақсадида кунни тунга улаб, чет тилларини ва аниқ фанларни мукаммал ўзлаштириш йўлида тинимсиз изланди. 2014 йили пойтахтимизда фаолият юрита бошлаган Инха университетига ҳужжатларини топширди. Унинг саъй-ҳаракатлари, уйқусиз тунлари зое кетмади, бир неча босқичли имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди.

Нуриддин 450 нафар абитуриентлар орасидан саралаб олинган 115 талабанинг бири бўлганлигидан беҳад қувонди.



Ё.Шамсиддинов (ЎзА) олган суратлар

Ахир, бундай мушкул чиғириқларни енгиб ўтиш осон кечмаганди. Математика, физика фанларидан 20 та саволга инглиз тилида жавоб ёзиш, айрим мисол-масалалар ечимини илмий-мантиқий йўл билан шу тилда асослаб бериш, қолаверса, инглиз тилини билиш даражасини англатувчи IELTS — Халқаро инглиз тили тест тизимининг юқори балли сертификатига ҳамма ҳам эга бўла олмайди.

Саволларимизга қисқа-қисқа жавоб қайтараётган қаҳрамонимизнинг табиатан камсуқум, камтарин йигитлиги кўриниб турарди. Курсдошларининг айтишича, у дўсти билан инглиз тилини интернет орқали бепул ўргатишга мўлжалланган махсус — www.englishlife.uz веб-саҳифасини очган. Бундан ташқари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаол ёшлари билан биргаликда инглиз тилини ўргатувчи клубнинг мунтазам фаолият юритишига ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. Нуриддин жорий йилнинг феврал-март ойида Тошкентдаги Инха университети ва NewMaxtechnoligies компаниясининг ташаббуси билан ўтказилган танловда университетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабаларига тегишли янгиликларни, илмий-амалий ютуқларини ўзида акс эттирувчи Notify номли веб-дастури билан иштирок этиб, фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

— Лицейда ўқиб юрганимдаёқ аниқ фанларга қизиқишим кучли эди. Устозларим билан шуғулланиш баробарида интернетдаги махсус сайтлар, яъни инглиз тилида физика-математика фанларини ўргатувчи вебсаҳифалар орқали бу борадаги билимимни мустаҳкамлашга ҳаракат қилганман, — дейди Нуриддин. — Инха университетида таҳсил олишни истаётган, умуман, юқори марраларни кўзлаётган ука-сингилларимизга қарата доимо илм олишдан чекинмасликларини, билим даргоҳларидаги дарслик, адабиётлар билан кифояланиб қолмасдан, қўшимча ахборот ресурсларидан унумли фойдаланишлари мақсадга мувофиқлигини яна бир карра эслатиб ўтишни истардим.

> Партиянинг бош вазифаси мамлакатимиз таълим тизимининг фуқароларнинг комил шахслар бўлиб шаклланишига йўналтирилган, инсон омилини намоён этадиган, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни етиштириб берадиган энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат.
>
> **Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастуридан**

— Бутун дунёда ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодий тараққиётга муҳим ҳисса қўшувчи омиллардан саналаётган, уларсиз ривожланишни тасаввур қилиб бўлмаётган бир пайтда республикамизда Инха университетининг ташкил этилиши АКТ соҳасида халқаро стандартлар даражасида фаолият юритадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди, — дейди Тошкентдаги Инха университети ректори Шерзод Шерматов. — Университетимизда илк ўқув йили 2014 йилнинг 2 октябридан бошланди. Ўтган қисқа давр мобайнида университетимизнинг иқтидорли талабалари энг яхши дастурий ишланма, лойиҳаларнинг намойишини назарда тутувчи турли хил танловларда фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Энг муҳими, университетда талабаларнинг интеллектуал ва маънавий ҳамда жисмоний ўсишига хизмат қиладиган барча шароит яратилган. Хусусан, 7 қаватдан иборат мажмуамиз замонавий ўқув ва лаборатория анжомлари, жиҳозлар, компьютер ва бошқа ташкилий техника, кутубхона фонди билан тўлиқ таъминланган бўлиб, талабалар нафақат дарс вақтида, балки дарсдан кейин, бўш вақтларида ҳам шуғулланиш имкониятига эга.



Мазкур олийгоҳ Президентимизнинг 2014 йил 24 мартдаги "Тошкент шаҳрида Инха университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, "Компьютер инжиниринги" ва "Дастурий инжиниринг" йўналишлари бўйича фаолият юритмоқда.

Илмга чанқоқ, мустаҳкам фуқаролик позициясига эга, иқтидорли ва изланишдан толмайдиган ёшларни ижтимоий-маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, руҳлантириш ҳар бир таълим муассасасининг ўзига хос принципига айланиб қолган. Инха университетида ҳам бу борада ўзига хос амалиёт йўлга қўйилган. Жумладан, 2014-2015 ўқув йилида кириш имтиҳони натижасига кўра, энг юқори балл тўплаган 10 нафар талаба муассислар гранти асосида таҳсил олиш имкониятини тақдим этувчи сертификатларга эга бўлдилар ва бундай талабалар университетни битиргандан сўнг таъсисчилар билан тузилган шартномага асосан камида 5 йил давомида таъсисчи ташкилотларда ишлаб беради. Яна бир имконият ҳақида айтиш лозим: семестр якунида имтиҳонларни "аъло" баҳоларга топширган 10 нафар талаба кейинги семестр учун тўловдан тўлиқ ёки қисман озод этилади. Бу эса, табиийки, талабалар ўртасида соғлом рақобат муҳитини юзага келтиради, уларнинг янада кучли билим эгаси бўлишга иштиёқларини оширади.




Университетда феврал ойидан буён тайёрлов курслари фаолият юритмоқда. Унда яқин келажакда шу олий ўқув юрти талабаси бўлиш иштиёқида юрган абитуриентлар учун машғулотлар ўтказилади. Муассаса раҳбариятининг маълум қилишича, янги ўқув йилида университетга 250 нафар талаба қабул қилиниши режалаштирилмоқда. Энг муҳими, абитуриентлар аризани электрон шаклда ҳам топширишлари мумкин. Бунинг учун абитуриент университетнинг веб-саҳифасида мавжуд аризани онлайн тарзда тўлдиради, унга тегишли ҳужжатларнинг (паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, инглиз тилини зарур даражада билишини англатувчи IELTS, TOEFL IBT сертификатлари) сканер нусхасини илова қилса кифоя. Шу билан 2015 йилнинг 26 июлида физика ва математика фанларидан бўладиган имтиҳонга келишади ҳамда 10 августда имтиҳон натижаларидан воқиф бўлишади.

Мазкур ўқув йилида яратилган яна бир имконият шундаки, юқорида номи келтирилган сертификатларга эга бўлолмаган абитуриентлар истагига кўра, асосий имтиҳондан аввалроқ, яъни жорий йилнинг 3 майида ва 5 июлида университетга келиб, инглиз тили бўйича ўз билимларини синовдан ўтказишлари мумкин.

Таъкидлаш жоиз, университетнинг ўқув режаси ва академик дастури Кореядаги Инха университети билан бир хил бўлиб, мазкур университет халқаро майдонда инженеринг, IT, менежмент, логистика, бизнес соҳалари учун юқори малакали мутахассис тайёрлаш борасида амалий ютуқ ва натижаларни қўлга киритаётган нуфузли таълим муассасаларидан саналади.

> Меҳнат бозори талабларига тўлиқ жавоб берувчи мутахассис тайёрлаш, соҳанинг илмий-амалий салоҳиятини юксалтириш ҳар бир олий ўқув юртининг бош мақсадидир. Ишончимиз комилки, истиқболли ҳамкорликлар натижасида фаолият юрита бошлаган Тошкентдаги Инха университети ва шу каби бошқа олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларимиз яқин келажакда мамлакатимиз тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадиган мутахассислар бўлиб етишадилар.

**Саодат СОДИҚОВА,**
«Adolat» мухбири

➢ **Ҳуқуқ**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби алоҳида бобда кўрсатилган бўлиб, ривожланган хорижий мамлакатларнинг жиноят процессуал қонунчилигига мос келади.

# Вояга етмаганлар манфаатлари

## алоҳида тартибда ҳимояланади

Вояга етмаганлар алоҳида ҳимояга олинган, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари алоҳида тартибда ҳимояланади.

Вояга етмаганлар деб, Конституция ва амалдаги қонунларда кўрсатилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш учун белгиланган ёшга тўлмаган шахслар назарда тутилади. Бу тоифадаги жиноят ишларини юритиш қонуннинг алоҳида бобида кўрсатилган, чунки уларга нисбатан ўзга меъёрлар қўлланилади. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларда бир томондан етуклик аломатлари, яъни уларда мустақилликнинг шаклланиши, ўзини тута билиш ва идора қилиш намоён бўлса, иккинчи томондан ижтимоий улғайишнинг давом этаётганлиги (мактаб ёки бошқа билим даргоҳида ўқишни давом эттириши, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиши, муомала лаёқати ривожи) кўринади.

Вояга етмаганларни сўроқ қилишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 553-моддасига биноан, ҳимоячи, терговчининг рухсати билан унинг қонуний вакили, педогог ёки психолог ҳам иштирок этиши мумкин. Чунки улар жиноят иши кўрилишини осонлаштиради ва тўғри йўналишда боришини таъминлайди. Терговчи вояга етмаганларнинг шахсини, қайси тилда кўрсатма бера олишини аниқлаши, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, унга қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганилигини эълон қилади. Гумон қилинувчига ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги тўғрисидаги қарорни тақдим қилади ва унга қўйилаётган айбловнинг моҳиятини тушунтириб беради. Бундан ташқари, биринчи марта сўроқ қилишдан олдин терговчи вояга етмаганнинг ўзини айбли деб ҳисоблаш ёки ҳисобламаслиги, ўз айбини тўла ёки қисман рад этиши ёки этмаслигини аниқлаши шарт. Вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчини умумий сўроқ қилиш вақти олти соатдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган шахснинг сўроғида педагог иштироки ижобий аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки педагог вояга етмаган шахснинг психологиясини яхши тушунади ва иш ҳолати бўйича унинг терговда ҳаяжонланмаслиги ва ўзини тегишли равишда тутишига ёрдам беради.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга биноан ўтказилади.

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича суд муҳокамасида судья вояга етмаган судланувчининг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, прокурорнинг фикрини эшитиб, вояга етмаган шахсга салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар текширилаётганда суд ўз ажрими билан уни суд залидан чиқариб туришга ҳақли. Жиноят-процессуал кодексининг 551-562 моддаларига мувофиқ, суд вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари кўриладиган вақт ва жой ҳақида уларнинг ота-онасини, ота-она ўрнини босувчи шахсларни, васийлик ёки ҳомийлик органи вакилларини, вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхона, муассаса, ташкилотни, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича шуғулланувчи комиссияни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлар вакилларини, зарур бўлса, бошқа ташкилотларни ҳам хабардор қилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳимоячи иштироки нафақат дастлабки тергов босқичида ва суд муҳокамасида, балки ишни суд мажлисига тайинлаш босқичида ҳам таъминланди.

**Барно ҚОДИРОВА,**
СамДУ ҳуқуқшунослик факультети
3-курс талабаси

Reklama

# "BUXORO GLOBAL REALTOR" МЧЖ

## очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2014 йил 07 ноябрдаги №1511-сонли, 2015 йил 20 февралдаги 170-сонли, 2015 йил 10 мартдаги №277-сонли ҳамда Когон шаҳар ҳокимининг 2015 йил 5 январдаги 2-сонли қарорларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдоларига қўйилмоқда:*

**1. Когон шаҳар Зирабод МФЙ Варахшо кўчаси ҳудудидан Савдо дўкон биноси қуриш учун ажратилган 150,0 кв.метрдан иборат ер участкаси.**

***Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 144 450 сўм.***

**2. Бухоро шаҳар Саноатчилар кўчаси ҳудудидан Омборхона ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун ажратилган 2400,0 кв.метрдан иборат ер участкаси.**

***Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 2 052 216 сўм.***

**3. Бухоро шаҳар Мирдўстим кўчаси ёқаси ҳудудидан Нон ва нон ҳамда қандолат маҳсулотлари пишириш цехи биноси қуриш учун ажратилган 250,0 кв.метрдан иборат ер участкаси.**

***Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 237 755 сўм.***

**4. Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси ёқаси ҳудудидан Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳамда иккинчи ва учинчи қаватларида уй-жой қуриш учун ажратилган 180,0 кв.метрдан иборат ер участкаси.**

***Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 175 388 сўм.***

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача (тушлик вақти 13:00 дан 14:00 гача) қабул қилинади ва 2015 йил 25 май куни соат 18:00 да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро ва Когон шаҳар ҳокимлиги биносида 2015 йил 26 май куни соат 11:00 да очилади, 2015 йил 26 май куни соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биноларида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2015 йил 26 майдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2015 йилнинг 02 ва 09 июнь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро ва Когон шаҳар ҳокимлиги биносида 2015 йил 02 ва 09 июнь кунлари соат 11:00 да очилади ва соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ташкилотчиси — "BUXORO GLOBAL REALTOR" МЧЖ.**
**Манзили: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси 10-уй.**
**Тел: (+99893) 960-69-00, факс: (0365) 221-54-43.**
**электрон почта: www.bgr.gl.uz. Лицензия № RL 0171.**

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган қуйидаги банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. ДТ Халқ банки Бухоро филиали, ҳ/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СИТР 302668377.

# Металлнинг бўлаги ҳам металл

**Саноатда муҳим аҳамият касб этувчи қора ва рангли металлга эҳтиёж ҳамиша баланд бўлиб келган. Шу сабабли, қора ва рангли металлнинг парчалари ва чиқиндилари ҳам ўз қийматини йўқотмайди.**

Божхона идоралари ўз ваколати доирасида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда, ишлаб чиқариш-техника буюмлари парчалари ва рангли металлар чиқиндиларининг республикамиз ҳудудидан ноқонуний олиб ўтилиши ва айланмасининг олдини олиш, мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, қимматли хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қатор чора-тадбирлар олиб бормоқда.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетиш ва экспорт қилиниши тақиқланади. Шунга қарамасдан, таркибида рангли металлар бўлган механизм ва агрегатларни талон-тарож қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик фактлари, рангли металл парчалари ва чиқиндиларини яширинча тайёрлаш, уларни мамлакат ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетиш ҳоллари учраб турибди.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари республикамиздан олиб чиқиш учун "ғамлаб" қўйилган рангли металл парчалари "омбор"ларини фош қилишди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликдаги текширувлар чоғида пойтахтимизнинг Учтепа туманида истиқомат қилувчи фуқаролар Х.Саидов (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳамда С.Солиевга тегишли гаражлар белгиланган тартибда кўрикдан ўтказилганида, умумий оғирлиги салкам 4 тонна бўлган ҳар хил турдаги — мис, никель қўрғошин ҳамда алюминий металлари ва уларнинг чиқиндилари борлиги аниқланди.

Шунингдек, ўтказилган тезкор тадбирлар давомида Сергели туманида истиқомат қилувчи З.Мусаев ҳамда Яккасарой туманида яшовчи Н.Сафаровларнинг хонадонлари амалдаги тартибларга мувофиқ холислар иштирокида кўздан кечирилганда, бу ерда кейинчалик қайта сотиш мақсадида оғирлиги 10 тоннадан ортиқ қўрғошин парчалари ноқонуний равишда сақланаётганлиги фош қилинди.

Мазкур ҳолатлар бўйича айбдор шахсларга нисбатан тўпланган маъмурий иш ҳужжатлари тегишли суд идорасига кўриб чиқиш учун юборилган.

**Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси ахборот хизмати**

Reklama

**«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖда**
**ташкил қилинган савдолар натижалари ҳақида хабарнома**

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ тизимида 2015 йил 24 январдан 2015 йил 21 апрелга қадар 13-сондан 79-сонгача бўлиб ўтган тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ташкиллаштирилган кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлари савдоларида жами 225 210 000 сўмлик, 66 та кўчмас мулк объектлари сотилди.

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида бўлиб ўтган танлов савдолари натижалари тўғрисида маълумот.

1. 2015 йил 24 мартда бўлиб ўтган танловда Бухоро шаҳар Пиридастгир кўчаси ёқасидан биринчи қаватида савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва юқори қаватларида турар-жой биноси қурилиши учун 400.0 кв.мдан иборат ер участкаси 14600000 сўмга сотилди.

2. 2015 йил 14 апрелда Ғиждувон туманида бўлиб ўтган танловда Ғиждувон туман «Зарангари» ҚФЙ «Абади» қишлоғи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун мўлжалланган 100 кв.мдан иборат 1-сонли ер участкаси 1500 000 сўмга, 2-сонли ер участкаси 1600 000 сўмга, техник хизмат кўрсатиш пункти қуриш учун мўлжалланган ҳар бири 100 кв.мдан ибора 1-сонли ер участкаси 1400 000 сўмга, 2-сонли ер участкаси 1400 000 сўмга сотилди.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Reklama o'rnida

# Чакана хизматдан

## интерактив хизмат сари

➢ **Банк тизими**

Бозор муносабатлари кенгая борган сари барча молиявий муассасалар қаторида республикамизда фаолият юритаётган тижорат банклари ҳам чакана операцияларни ривожлантириш, мижозларга тақдим этадиган хизмат турларини кўпайтиришни ўз олдига қўйган асосий мақсад сифатида илгари сурмоқда.

"Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик-тижорат банки ҳам ўз молиявий хизмат турларини замон талабларига мос тарзда янгилаб, янада кенгайтириб бораётган йирик банклардан биридир.



Эътиборли жиҳати, юридик ва жисмоний шахсларга барча турдаги комплекс банк хизматларини кенг қамровли ва сифатли тақдим этиш мақсадида, доимий равишда мижозларга қулай бўлган ҳудудларда янги банк тармоқлари ташкил этилмоқда. Бу эса, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзларига қулай бўлган манзилда банк хизматларидан фойдаланишлари учун имкон бериб, уларга қўшимча қулайликлар яратмоқда.

Хусусан, бугунги кунда банкнинг 500 дан ортиқ тармоқлари орқали мижозларга барча турдаги комплекс банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. 2015 йил 1 апрель ҳолатига банкнинг 44 та филиалида 40,1 мингта хўжалик юритувчи субъектларга ва қарийб 1 миллионга яқин жисмоний шахсларга хизмат кўрсатилмоқда.

Бугунги кунда "Ўзсаноатқурилишбанк" тизимида 42 та мини-банк, 54 та жамғарма касса, 44 та махсус касса, 151 та турли тўловларни қабул қилувчи, 91 та халқаро пул ўтказмалари ва 52 та валюта айирбошлаш шохобчалари мижозларга хизмат кўрсатяпти. Жумладан, коммунал ва бошқа бир марталик тўловларни қабул қилишда аҳолининг кенг қатламларига янада қулайлик яратиш мақсадида, аҳоли учун қулай бўлган манзилларда коммунал ва бошқа пуллик хизматлар учун тўловлар қабул қилинмоқда.

Биргина 2014 йилда "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан коммунал ва бошқа бир марталик пуллик хизматлар учун аҳолидан 458 миллиард сўмлик тўловлар қабул қилинган бўлса, ушбу соҳадаги ишлар 2015 йилда ҳам кенгайтирилиб, жорий йилнинг биринчи чораги давомида 121,6 миллиард сўм маблағлар қабул қилинди.

Банк тармоқлари орқали аҳолидан коммунал ва бошқа бир марталик пуллик хизматлар учун тўловларни узлуксиз қабул қилишни янада кенгайтириш мақсадида, ҳар бир филиалда дам олиш ва байрам кунларида ҳам фаолият кўрсатадиган махсуслашган кассалар ташкил қилинган, хусусан,

аҳолининг яшаш манзилларига чиқиб, тўловларни йиғиш учун банкнинг махсус автомашиналари ёрдамида 44 та сайёр кассалар ташкил қилинган бўлиб, улар орқали тўловларни йиғиш учун банк ходимлари белгиланган тартибда ишга жалб қилиб келинмоқда.

Шунингдек, банк томонидан аҳолининг коммунал хизматлар бўйича қарздорликларини камайтириш мақсадида, юқори фоизли ва жозибадор "Коммунал тўловлар учун" махсус омонат тури жорий этилган. Ушбу омонат тури орқали омонатчининг топшириғи асосида ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал ва бошқа хизматлар, жумладан, хонадон тўлови, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, иситиш ва иссиқлик энергияси, чиқинди




тўловлари, солиқ, давлат божлари, шаҳар ва уяли алоқа телефонлари тўловлари ва бошқаларга тўлашга йўналтирилмоқда.

**— "Ўзсаноатқурилишбанк" бундай хизматларни йўлга қўйганидан мамнунман. Омонатга топширган маблағим бўйича ҳисобланган фоизлар ҳар ойда банк томонидан тўғридан-тўғри барча турдаги коммунал тўловларимга ўтказилмоқда, — дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" мижози Манзура Аҳмедова. — Бу омонат тури жуда ҳам қулай бўлиши билан бирга, оиламиз даромадининг кўпайишига имкон бермоқда.**

Президентимизнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги қарорига асосан, банкда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатилаётган интерактив хизматлар кўлами янада кенгайтирилмоқда.

Жумладан, ҳозирда тадбиркорлар ва бошқа мижозлар, шунингдек, аҳоли учун "SMS-банкинг", "Интернет-банкинг", "Банк-мижоз", "Шахсий кабинет", "Домашний банк", "Колл-центр" каби хизмат турлари жорий этилган бўлиб, "Банк-мижоз" ва "Шахсий кабинет" дастуридан 2630 та, "SMS-банкинг" хизматидан 2832 та тадбиркорлик субъектлари ва қарийб 122 мингта жисмоний шахслар фойдаланишмоқда.

Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб "Корпоратив интернет-банкинг" хизматининг янги тури жорий қилинди. Эндиликда масофадан туриб, ушбу хизмат орқали электрон калит ёрдамида он-лайн режимида ҳисоб рақамларни бошқариш ва керакли маълумотларни олиш, экспорт-импорт битимлари ижросини кузатиб бориш, йирик ташкилотларга қуйи тармоқларидаги маблағлари тўғрисида маълумотга эга бўлишлари учун имконият яратилди.

Ҳозирда "Шахсий кабинет" дастури доирасида тўлов муддати келаётган кредитлар ва фоизлар тўғрисида жисмоний шахсларга хабар юбориш хизматини, жисмоний ва юридик шахсларга ҳисоб рақамларини он-лайн бошқариш имконини берувчи "Интернет-банкинг" хизматининг мобиль талқинини жорий қилиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Тўловларни реал вақт (он-лайн) режимида ўтишини таъминловчи "Мобиль коммунал инспектор" хизмати орқали аҳоли яшайдиган жойларнинг ўзида барча турдаги коммунал тўловлар қабул қилиниб, маблағлар шу пайтнинг ўзида хизмат кўрсатувчи, яъни тўловни олувчи коммунал корхоналардаги "биллинг" тизими шахсий ҳисобварақ рақамларига



етказилмоқда ҳамда мижозларга тўлов ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат (чек) берилмоқда. Бунда, тўловлар исталган шаклда нақд пул ёки пластик карталар орқали тўланиши йўлга қўйилган.

**— Тўловнинг бу усули орқали хонадоним бўйича қарздорликни шу заҳотиёқ билиб олишим мумкин. Амалга оширилган тўловларим эса "онлайн" тарзда шахсий ҳисобварағимда кўринар экан. Тўловлар ўтганлигини тасдиқловчи чек беришлари билан бирга менинг мобиль телефонимга "SMS" хабар келади. Ушбу хизмат тури, шанба ва якшанба кунлари ҳам фаолият юритиши барча аҳолига бирдек маъқул бўлмоқда — дейди Сирғали туманида истиқомат қилувчи фуқаро Аброр Тошбоев.**

Кези келганда қайд этиш лозим, жорий йилнинг I чорагида пластик карточкалар сони 7 минг донага кўпайиб, 949,4 минг донага етказилди. Ҳисобот санасига ўрнатилган терминаллар сони 8230 тани, шундан чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилгани 7542 тани ташкил қилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида пластик карточкалар орқали I чоракда 506 миллиард сўмлик тўловлар амалга оширилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробарга ошди.

Банк материаллари асосида
«Adolat» мухбири
**Ориф ЎЛМАСОВ**
тайёрлади.

Xizmalar litsenziyalangan

### ИННОВАЦИОН ОЙНА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ



**Geek Times порталида чоп этилган мақолада Жоржия технология институтининг бир гуруҳ тадқиқотчилари яратган кўп қаватли ойна ҳақида сўз боради. Эътиборли томони шундаки, янги инновацион ойна электр энергияси ишлаб чиқаради, аммо бунинг учун одатдагидай қуёш нуридан эмас, балки табиат ҳодисаларидан, аниқроғи ёмғир ва шамолдан фойдаланилади.**

Маълумотларга кўра, кўп қаватли ойнанинг юза қисми ерга тушаётган маҳал ҳавога ишқаланиши натижасида мусбат заряд оладиган ёмғир зарралари билан ўзаро таъсирга киришади. Юзада баландлиги 5 нанометрга яқин бўлган "пирамидача"лар жойлашган. Юзага тушаётган мусбат зарядли, бунинг устига кинетик энергияга эга томчилар унчалик катта бўлмаган электр қувватини ҳосил қилади.

Ойнанинг кейинги қавати эса микропружиналар ёрдамида маълум масофада сақланадиган икки юпқа пластикдан иборат. Шамол таъсирида пластиклар бир-бирига яқинлашади, оқибатда эса яна электр энергияси ишлаб чиқилади.

Умуман олганда, бундай жараёнлар натижасида бир квадрат метр ойна 130 Мвт қувват ишлаб чиқара олади. Бу миқдор эса бемалол телефонни қувватлантириб олиш учун етади.

Айни пайтда олимлар ишлаб чиқилган энергияни сақлаб туриш учун ойна ичига шаффоф суперконденсаторлар ҳамда симсиз узатгичлар ўрнатиш режаси устида иш олиб боришмоқда.

Эслатиб ўтамиз, мазкур ишланма қайсидир жиҳатлари билан Финляндиянинг VTT техник тадқиқотлар марказида бундан икки ой бурун яратилган сунъий дарахтни ҳам эслатади. Бу дарахт ҳарорат ўзгариши, қуёш нурлари, шамол ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқара олади.

### ЁЛҒИЗ ҚАРИЯЛАРГА ҲАМСУҲБАТ РОБОТЛАР



**"Известия" газетаси "Лекси" компанияси бемалол суҳбатлашиб ўтирадиган, сўнгги янгиликларни гапириб бера оладиган темиртан яратгани ҳақида мақола чоп этган.**

Ташқи кўринишидан футбол тўпини эслатадиган бу робот ҳатто шеърларни ифодали ўқиши, латифалар айтиб бериши мумкин. Шунингек, у билан шахмат ёки бошқа қизиқарли ўйинлар ўйнаса ҳам бўлади. Робот уйдаги баъзи қурилмаларни бемалол бошқара олиш дастурига эга.

Ҳозирча мазкур робот ёлғиз қарияларга ҳамсуҳбат бўла олишига ишонч билдирилмоқда. Москва мэрининг ижтимоий тараққиёт бўйича ўринбосари Л.Печатниковнинг маълум қилишича, тез орада шаҳарда мазкур қурилманинг синови ўтказилади. Дастлабки 10 робот Москванинг аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш марказларига қўйилади ва карияларга текинга ижарага берилади.

— Биз ҳозир роботларни Ғалабанинг 70 йиллигига тайёрлаяпмиз, — дейди лойиҳа бош директори Дмитрий Суворов. — Шунинг учун улар уруш ҳақидаги шеърларни "ёдлашмоқда". Роботни бемалол интернетга улаш мумкин, шунда у сўнгги янгиликларни экранда намойиш этади ёки ўқиб беради. Шунингдек, робот мураккаб масалаларга тармоқдан жавоблар топа олади.

Д.Суворов мазкур темиртанда инсоний хусусиятлар ҳам мавжудлигини алоҳида қайт этиб ўтган: у хафа бўлиши, асабийлашиши, қувониши мумкин.

Маълумки, ёлғиз одамларнинг ҳаётини мазмунлироқ қилиш мақсадида дунёнинг кўплаб компаниялари турли темиртанлар, андроидлар яратиш билан шуғулланмоқда. Яқинда Япониянинг The Bank of Tokyo-Mitsubishi UFJ банки бир неча бўлимига мана шундай роботларни ишга олишини маълум қилди.

### АБАДИЙ ИШЛАЙДИГАН ФОТОКАМЕРА ЯРАТИЛДИ



**3DNews хабарига кўра, Нью-Йоркдаги Колумбия университети муҳандислари яратган ёруғликка ўта сезгир датчиклар нафақат тасвирга олади, балки айнан ёруғликдан электр энергияси ишлаб чиқариш хусусиятига ҳам эга. Олимлар келажакда шу асосда яратилган сенсор камералар қўшимча қувват олмасдан ҳам ишлайверишини таъкидлашмоқда.**

Автоном сенсорнинг ҳар бир пиксели навбати билан ишга тушадиган бир жуфт транзистордан иборат. Улардан бири ёруғликка таъсирчан бўлиб, тасвирни ҳосил қилади, иккинчиси эса фотоэлемент сифатида ёруғликни энергияга айлантиради. Мана шу энергия биринчи транзисторни қувватлашга етади.

Тўғри, ҳозирча янги инновацион технология асосида яратилган илк қурилманинг тезлиги унчалик баланд эмас: секундига бир кадр.

Ишланма муаллифларидан бири бўлган профессор Шри Наярнинг сўзларига қараганда, янги қурилма фотоаппаратлар учун ўта сезгир матрицалар ишлаб чиқаришни эслатади, шу сабабли ҳам камеранинг техник кўрсаткичларини яхшилаш унчалик мураккаб иш эмас, бунинг учун бироз вақт талаб қилинади, холос.

Демак, тез орада фото ва видео-қурилмаларнинг деярли абадий ишлайдиган янги авлоди пайдо бўлиши ҳақида тахмин қилиш мумкин.

Интернет хабарлари асосида
2-Тошкент Юридик коллежи ўқитувчиси
**Зафар ТАНГИРОВ** тайёрлади.

## Сўранг, жавоб берамиз!

**— Бир кичик корхона билан дўконимга нон маҳсулотларини етказиб бериш учун шартнома тузган эдим, лекин шартноманинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган экан. Корхона эгаси менга шартноманинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган, деб маҳсулот етказиб беришни тўхтатиб қўйди. Унинг ҳаракатлари қонунийми?**

*М.Бердиев, Нукус шаҳри*

*— Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида унинг амал қилиш муддати белгиланмаган бўлса, шартнома бир йилга тузилган, деб ҳисобланади.*

*Агар узоқ муддатли шартномада етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдори ёки шартноманинг бошқа шартлари бир йилга ёки ундан ортиқ муддатга белгиланган бўлса, шартномада тарафларнинг бу шартларни шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар кейинги даврлар учун келишиб олиш тартиби белгиланиши лозим. Шартномада бундай тартиб бўлмаса, шартнома бир йилга ёки шартнома шартлари келишилган муддатга тузилган ҳисобланади.*

Саволга Нукус шаҳри 6-сонли ДНИ нотариуси
**Камила ЖУМАНИЯЗОВА** жавоб берди.

**— Фермер хўжалигимдаги тракторлар ремонти учун эҳтиёт қисмларини етказиб бериш бўйича бир фирма билан шартнома тузган эдим. Фирма бошлиғи шартномада белгиланган муддатда жўнатиш разнарядкасини тақдим этмадинг, деб шартнома шартларини бажаришдан бош тортмоқда. У шундай ҳуқуққа эгами?**

*Ж.Ниязов, Зангиота тумани*

*— Маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарларни олувчиларга жўнатиш тўғрисида сотиб олувчининг сотувчига кўрсатмалар бериш ҳуқуқи (жўнатиш разнарядкаси) кўзда тутилган ҳолларда, маҳсулот етказиб берувчи товарларни жўнатиш разнарядкасида кўрсатилган олувчиларга жўнатади.*

*Сотиб олувчининг белгиланган муддатда жўнатиш разнарядкасини тақдим қилмаслиги маҳсулот етказиб берувчига ё маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бош тортиш ёки сотиб олувчидан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради. Бундан ташқари, маҳсулот етказиб берувчи жўнатиш разнарядкасини тақдим қилмаслик туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.*

Саволга Зангиота тумани 11-сон ДНИ нотариуси
**Зилола ЙЎЛДОШЕВА** жавоб берди.

**— Интизомий жазо қўллаш тартиби қандай? Битта ножўя хатти-ҳаракат учун бир неча марта интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкинми?**

*Д.Жозилов, Тошкент шаҳри*

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 182-моддасида интизомий жазоларни қўллаш тартиби белгилаб қўйилган. Шуни алоҳида кўрсатиб ўтишимиз лозимки, интизомий жазолар фақат ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар томонидан қўлланилади. Шу билан бирга, интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Лекин, ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир этган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди. Бундай ҳолатда корхонанинг меҳнат интизомини таъминлаш бўйича масъул ходимлари қуйидаги мазмунда далолатнома расмийлаштириши лозим: *Далолатнома. 2015 йил 12 март. Бизлар қуйида имзо қўйиб ушбуни тузувчилар (фамилия-исмлари ва лавозимлари кўрсатилади) ходим фалончидан 2015 йил 11 март куни ишга келмаганлиги сабабларини кўрсатиб тушунтириш хати ёзиб беришини талаб қилганимизда, у тушунтириш хати ёзмаслигини айтиб, таклифимизни рад этди. Имзолар:*

Қонунчиликка кўра, интизомий жазони қўллашда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Қонунга кўра, интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Буйруқнинг матни тахминан қуйидагича расмийлаштирилади: "Корхона мутахассиси фалончига 2015 йил 11 март куни узрли сабабсиз ишга келмагани учун ҳайфсан интизомий жазоси берилсин.

Асос: бўлим бошлиғининг билдиришномаси ва айбдорнинг тушунтириш хати (тушунтириш хати беришдан бош тортгани тўғрисидаги далолатнома)".

Агарда, ходим мазкур буйруқ билан танишишни рад этса, худди юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, далолатнома расмийлаштирилиши лозим.

Саволга ҳуқуқшунос **Абдуллажон ТОЛИБЖОНОВ** жавоб берди.

Reklama o'rnida

# Мижоз манфаати устувор

ASAKA BANK

## ➢ Молия муассасаларида

Мамлакатимизнинг бугунги тараққиётида, юртимизда кечаётган кенг қамровли ислоҳотлар, бунинг замирида таъминланаётган иқтисодий барқарорлик, туб ўзгариш ва янгиланишларда банк-молия муассасаларининг ўрни беқиёс. Хусусан, мазкур вазифаларни ҳаётга чуқур жорий этиб, эл фаровонлигини ошириш, хизмат соҳасини такомиллаштириш, мижозларга қулайликлар яратиш борасидаги амалий ишлари, қизғин саъй-ҳаракатлари билан эл эътиборига тушган "Асака" давлат акциядорлик-тижорат банкининг мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда.

Бу нуфузли молия муассасаси "Банк мижоз учун" тамойилини ўзининг кундалик шиорига айлантириб, улар манфаатини қўллаб-қувватлаяпти. Банк томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредит маблағлари салмоғи йил сайин ўсиб бормоқда. Ўз сармоялари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, бу орқали аҳолининг кўпчилик қисмини иш билан таъминлашга эришаётган "Асака" банк иқтисодиётнинг қатор соҳалари, шу билан бирга, ишлаб чиқаришни юксалтиришга муҳим аҳамият қаратяпти. Янгидан-янги лойиҳаларга қанот бағишлаб, юқори унумли замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга молиявий кўмак бермоқда.

Фуқароларга замон талабига мос молиявий хизмат кўрсатаётган "Асака" банкнинг ютуқларини янада кўпайтириб, бойитишга молия муассасаси тизимидаги барча бўлим ва филиаллар ўз улушини қўшмоқда. Айниқса, "Асака" давлат акциядорлик-тижорат банкининг Қорақалпоғистон филиали томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга молик. Қорақалпоғистон Республикасида мижозларга турли молиявий хизматлар кўрсатиб, уларнинг ишончини қозонган, обрў-эътиборига сазовор бўлган бу филиал жамоасининг фахрланишга арзигулик ишларидан кўпчилик қониқиш ҳосил қилмоқда. Иши билан сўзи бир банк ходимлари айни пайтда мамлакатимизнинг шимолий ҳудудидаги 50 мингдан зиёд юридик ва жисмоний шахсларга намунали банк хизматлари кўрсатиб келишмоқда.

Маълумки, банкнинг кредит ва инвестицион фаолияти унинг салоҳиятини, хизмат кўрсатиш даражасини белгилайди. Зеро, каттаю кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришда ва кенгайтиришда банкларнинг молиявий мададига таянади. Шу нуқтаи назардан, банк жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш орқали маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Жорий йилда банк кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар миқдорини ўтган йилга нисбатан 30 фоизга оширишни режалаштирган. Яъни, барча молиялаш манбалари ҳисобидан 65,0 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, жорий йилнинг биринчи чораги давомида кичик бизнес субъектларига 11,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 1,5 баравар ўсди. Банкнинг ушбу кредит маблағлари ҳисобига янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли турмуш фаровонлиги янада юксалди. Жумладан, филиал томонидан Элликқалъа туманидаги «BOSTON AGROSANOAT SAVDO» масъулияти чекланган жамиятига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган технологик ускуналар олишга имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди. Бунинг эвазига корхонага тежамкор, яъни кам энергия қуввати сарфлайдиган замонавий ускуналар ўрнатилди. Янги технология шарофати билан туманнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш имконияти юзага келди. Бир йилда 25 минг тоннага яқин озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги линияда ҳозир 5 нафар ишчи фаолият кўрсатмоқда.

Амударё туманидаги «AVTO KAYIP MAYSHI» масъулияти чекланган жамиятига ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида хомашё олиш учун имтиёзли шартларда ажратилган кредит маблағлари ҳам ўз самарасини берди. Зарур хомашёга эга бўлган ушбу корхонадаги ишлар ҳозир бир маромда давом этмоқда. Бир йилда 148,0 миллион сўм миқдорида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эришиш учун жамоа бор куч-имкониятини ишга солмоқда. Шу билан бирга, корхонада қўшимча тўртта янги иш ўрни яратилганлиги ва унда асосан қишлоқ ёшлари фаолият кўрсатаётганлиги ҳам эътиборга молик.

"Асака" банкнинг сармоялари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини яхшилашда ҳам муҳим омил бўлмоқда. Мисол учун, Нукус шаҳрида фаолият бошлаган «INDIGO TRANS» шўъба корхонасига банк филиали томонидан аҳолига транспорт хизматларини кўрсатишни яхшилаш мақсадида узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди. Банк кредити ҳисобига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий "Isuzu" русумли автобусларни олган МЧЖ жамоаси Нукус шаҳри ва шаҳар атрофидаги аҳолининг узоғини яқин қилиб, намунали транспорт хизмати кўрсатишга эришяпти. Бу янгилик эвазига яратилган 15 та қўшимча иш ўрни ҳудуд ёшларининг доимий даромад билан таъминланишига олиб келди.

Шу билан бир қаторда банк жамоаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда оилавий тадбиркорликка қўл уришни ният қилган оилаларга ўз фаолиятларини бошлашлари учун кредитлар ажратиш орқали уларни тадбиркорликка жалб этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Беруний туманидаги «AGROFIRMA TEMUR BARAKAT» агрофирмаси раҳбари, касб-ҳунар коллежи битирувчиси, ёш тадбиркор Тимур Рўзимов жорий йилнинг 12-13 март кунлари мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган "Банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари "BankExpo-2015" VIII миллий кўргазмасида "Асака" банк томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирланди ва унга кредит ажратилди. Банкдан олинган кредит ҳисобига ёш тадбиркор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган замонавий ускуналарни сотиб олиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш ниятида. Бунинг натижасида қўшимча бешта янги иш ўрни яратилиши ва ўзига ўхшаган ёшлар бу жойларда иш бошлаши ёш тадбиркорнинг фаолияти самарали кечаётганлигини кўрсатмоқда.

— 2009 йилдан бери "Асака" банк мижозиман, — дейди тадбиркор Клара Худайбергенова. — Банкнинг молиявий ёрдамида ўз фаолиятимни йўлга қўйдим. Ишим самарали бўляпти, рўзғоримизга барака кирди. Буларнинг ҳаммаси "Асака" банкнинг бизга ўхшаган мижозларни доимо қўллаб-қувватлаётгани шарофатидан.

Мижоз манфаатини ҳамиша устувор деб билган ва бу мақсад йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган "Асака" банкнинг Қорақалпоғистон филиали жамоаси ўз зиммасидаги вазифаларни пухта адо этиб келмоқда. Жумладан, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Натижада кичик бизнес вакиллари иқтисодиётимизни ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.



*Мамлакатимизда яратилган қулай бизнес муҳити, мавжуд имтиёз ва имкониятлар Оролбўйи корхоналари иқтисодий равнақида муҳим омил бўлмоқда.*

*Нукус шаҳридаги «Табиий ичимликлер» МЧЖда дастлаб квас ишлаб чиқарилар эди. Эндиликда асосан ёшлар меҳнат қилаётган корхонада «Асака» банкдан олинган кредит эвазига замонавий технологиялар ўрнатилиб, қадоқланган тоза ичимлик суви ва яхна чой ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

**Суратда: (ўнгдан) технолог Даврон Мусаев ва оператор Оралбой Қаландаров.**



*Амударё туманидаги «Алишер Саъдулла» хусусий корхонасида 5 турдаги полиэтилен қоплари ишлаб чиқарилмоқда. Бир сменада 800 килограммгача маҳсулот тайёрлаш қувватига эга корхона «Асака» банк кўмагида замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Асосан коллеж битирувчиларидан иборат 10 нафар мутахассис иш билан таъминланган.*

**Суратда: корхона ишчиси Отабек Саъдуллаев.**

Банк материаллари асосида «Adolat» мухбири **Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА** тайёрлади.

Xizmalar litsenziyalangan

# Кексалар дуоси — тинчлик ва барқарорликнинг ибтидоси

## ➢ Эъзоз

Хатирчилик 115 баҳорни қаршилаётган Адолат момо Боймуродова туманнинг энг пиру бадавлат онахонларидан бири десак, муболаға қилмаган бўламиз. Онахон 2 ўғил, 1 қиз, 17 набираю 34 нафар чеваралари эъзозида. Турмуш ташвишлари, ютуқлари, ҳаётий тажриба ҳамда кўрган-кечирганларининг кўплиги, турфалиги билан ҳам бадавлат бу момомиз тумандаги Оқтепа маҳалласининг файзи, кўркига айланиб қолган.



Ҳеч бир тўй-маърака онахоннинг дуоси, пурҳикмат насиҳатисиз ўтмайди. Маҳалладагиларникига азиз ва мўътабар меҳмон келиб қолса ҳам, ўша заҳотиёқ бу мукаррама онахонни уйларига олиб келишади ёки ўзлари меҳмонни уларникига бошлаб боришади, дуоларини олиб қайтишади. Улар билан суҳбатлашган ҳар бир инсоннинг кўнглидан "Менга ҳам шунақа карилик берсин", "Умрлари бундан-да зиёда бўлсин", деган фикрлар ўтиши шубҳасиз.

— Бу ҳаётда не-не қийинчиликларни бошимдан ўтказмадим. Очарчилик, қаҳатчилик, урушнинг даҳшатли кунлари оқибатида қанчадан-қанча яқинларимни йўқотдим, жудоликларга дуч келдим. Бир кун бу ён қўшнимникига урушдан ёмон хабар келса, яна бошқа куни у ён қўшнимникига "қорахат" келарди, — дейди момо Иккинчи жаҳон уруши йилларини ёдга олар экан. — Урушни уруш десак, фронт ортида ҳам осон бўлмаган. Айниқса, аёллар ҳам ўзлари, ҳам фронтга кетган эрлари учун икки-уч баробар ортиқ меҳнат қиларди, оғир юмушларни ҳам бажаришига тўғри келарди. Турмуш ўртоғим, ака-укаларим урушга кетганлар, аёл бошим билан уч болам, ота-онам, опа-сингилларимнинг ҳолидан хабар олишим, уларни ақалли бир бурда нон билан бўлса-да боқишим керак эди. Очликни қўйиб туринг, кечаю кундуз ҳозир, айни вақтда яқининг жон бераётган бўлиши мумкинлигини ўйлаб, лекин унга ёрдам бериш қўлингдан келмаслигини билиб яшардик. Бу ҳаётда қўрқув, ваҳима, ҳадик остида кун ўтказишдан ёмони бўлмаса керак...

Яқинларининг айтишича, онахон ҳаётда кўпни кўрган, тажрибали ва ўта синчков аёл бўлганликлари учун яхшидан ёмонни бир зумда фарқлай оладилар. Бундай ёшдагиларнинг аксарияти фаромушхотирлик оқибатида баъзи яқинларини ҳар доим ҳам таний олмаса-да, Адолат момонинг хотираларига кўплаб ёшларимиз ҳавас қилса арзийди. Бир кўрган, суҳбатлашган инсонни кейинги сафар исми билан чақириб, бирма-бир сўрашади. Хотира мустаҳкамлигининг сири нимадалигини ҳам яширмайдилар.

— Ёшлигимдан китоб, газета ўқишни яхши кўрардим. Ўзим унда-бунда шеърлар ҳам битардим. Айниқса, ота-онамдан мерос қолган китобларни, Алишер Навоий, Умар Ҳайём, Бобур, Машраб каби шоирларнинг асарларини асраб-авайлаб келганман. Кейин-кейин қарилик туфайли кўзим хиралашди, камроқ ўқийдиган бўлдим. Лекин бу билан тўхтамадим. Ҳозир ҳам абираларимга шу китобларни бериб, баланд овоз чиқариб ўқишларини тайинлайман. Очиғи, уларнинг ҳаммасини ҳам яхши эшитаман деб айтолмайман. Мақсадим — менга ўқиб бериш асносида абираларим, фарзандларим шундай улуғ, буюк боболарининг асарларини мутолаа қилишсин, чуқур ўрганишсин, уларнинг мағзини чақиб, ҳаётида фойдалансин. Абираларим асар бўйича муҳокама, мунозара қилишганини кўриб беҳад қувонаман. Умуман, ёшлар билан суҳбатлашиб ҳузур қиламан, ўзимни ёшдек, уларнинг тенгдошидек ҳис қиламан.

1994 йилда "Шуҳрат" медали билан тақдирланган Адолат момо юртимизда кекса, нуроний отахон-онахонларга кўрсатилаётган эҳтиром, эътибордан мамнун. Адолат момонинг ҳолидан хабар олувчилар сафи, айниқса бу йил, "Кексаларни эъзозлаш йили"да янада кенгайди.

Қариси бор уйнинг париси бор, деб бежиз айтилмаган. Адолат момодек оқила, ҳаётий тажрибаси катта отахон-онахонларимиз эъзоз топиб, ёшларимиз кекса авлоднинг дуосини олишга ошиқар экан, бундай юртда ҳамиша тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураверади.

**Аҳмаджон ЭЛМУРОДОВ**
журналист

## ➢ Кўрик-танлов

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши, Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ва "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти ҳамкорлигида ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Ёшларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси" вилоят кўрик-танлови давом этмоқда.

## Металлда акс этган гўзаллик



Шу кунларда мазкур кўрик-танловнинг туман, шаҳар босқичида қатнашиш истагида бўлган ўқувчилар ҳайъатга ўз ишланмаларини тақдим қилишмоқда.

Янгийўл қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи 3-босқич ўқувчиси Бегжон Адҳамов пайвандлаш конструкциялари ишлаб чиқариш йўналишида билим ва ҳунар ўрганмоқда. У металлдан ўзи ясаган нафис қизил атиргулни танловга тақдим қиларкан, қизил атиргул "Адолат" партиясининг, умуман олганда, социал-демократик ғояларнинг рамзи эканлиги унга илҳом берганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бегжон ўз касбининг етук мутахассиси бўлишга интилмоқда. Шундай экан, биз ёш истеъдоддан янги-янги инновацион ишланмалар кутиб қоламиз.

**Қимматхон МАМАТҚУЛОВА,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП Янгийўл туман кенгаши раиси







МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Рашид МАТКУРБАНОВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *288-46-54* (149); Котибият — *288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *288-42-12* (146); Қабулхона — *288-42-23*; *288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *233-41-89*.
**Навбатчи муҳаррир** — Рустамжон Аҳмадалиев
**Навбатчи** — Феруз Жўраев

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
info@adolatgzt.uz / adolat_gazeta@mail.ru
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 400. Адади — 12106
Босишга топшириш вақти — 21.40
Босишга топширилди — 23.20
*Баҳоси келишилган нархда*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5


«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.